

Тошкент ирригация ва мелиорация институти  
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети  
5620700 - “Ер тузиш ва ер кадастри” бакалавр таълим йўналиши  
Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

**“Ҳимояга қўйилсин”** \_\_\_\_\_  
кафедра мудири **М.Ж.Туляганов**  
“\_\_” \_\_\_\_\_ **2013** йил

**“Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги “Туркистон” массиви  
худудида намунавий лойиҳалар асосида уй – жой қурилиши учун ер  
ажратиш лойиҳаси”**  
мавзусидаги

## **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

БМИни бажарувчи:

А.Д.Таштемирова

Раҳбар:

А.М.Мукумов

Маслаҳатчи:

доц. А.Мамажанов

Тошкент – 2013

## МУНДАРИЖА

| № | Битирув малакавий иши<br>бўлимлари номи                                                            | Бетлар |
|---|----------------------------------------------------------------------------------------------------|--------|
| 1 | Битирув малакавий ишини бажариш учун<br>топшириқ                                                   | 3      |
| 2 | Битирув малакавий иши дастури                                                                      | 5      |
| 3 | Кириш                                                                                              | 7      |
| 4 | 1-боб. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий<br>шароитлари тавсифи                              | 10     |
| 5 | 2-боб. Массив худудидан намунавий лойиҳалар<br>асосида уй–жой қурилиши учун ер ажратиш<br>лойиҳаси | 18     |
| 6 | 3-боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш                                                      | 48     |
| 7 | Хулоса                                                                                             | 58     |
| 8 | Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати                                                       | 61     |
| 9 | Иловалар                                                                                           | 64     |

Тошкент ирригация ва мелиорация институти  
Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети  
5620700-« Ер тузиш ва ер кадастри » бакалавриатура таълим йўналиши  
Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

«Тасдиқлайман»  
кафедра мудири  
М.Ж.Туляганов  
“ ” 2013 йил

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Таиштемурова Азиза Джуманазаровна.

1. **Битирув малакавий ишининг мавзуси:** “Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги “Туркистон” массиви ҳудудидида намунавий лойиҳалар асосида уй – жой қурилиши учун ер ажратилиш лойиҳаси”.

2. “25” декабр 2013 йил №4-сон кафедра мажлисида маъқулланган битирув малакавий ишини топшириш муддати “05” май 2013 йил.

3. **Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар:** Малакавий амалиёт даврида йиғилган ёзма ва чизма маълумотлар, планлар ва хариталар.

4. **Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби** (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1 Кириш. 2. 1 - боб. Массив ҳудудининг табиий иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи. 3. 2 - боб. Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй – жой қурилиш учун ер ажратилиш лойиҳаси (2 ечимда.) 4. 3 - боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5. Хулоса 6.Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати. 7. Иловалар

**5. Чизма ишлари рўйхати** (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. Массивнинг ер ва экин турлари кўрсатилган плани.

2. Ер ажратилиш лойиҳаси (2 ечимда).

3. Лойиҳанинг техник – иқтисодий кўрсаткичлари жадвали.

**6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар**

| Т.р | Бўлим мавзуси             | Маслаҳатчи  | Имзо, сана       |                    |
|-----|---------------------------|-------------|------------------|--------------------|
|     |                           |             | Топшириқ берилди | Топшириқ бажарилди |
| 1   | 2                         | 3           | 4                | 5                  |
| 1   | Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги | А.Мамажонов |                  |                    |

## 7.Битирув малакавий ишини бажариш режаси

| Т.р | Битирув малакавий иши<br>босқичларининг номи                                                                                        | Бажариш муддати |     |     | Текширув-<br>дан<br>ўтганлик<br>муддати |
|-----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------|-----|-----|-----------------------------------------|
|     |                                                                                                                                     | Сана            | кун | %   |                                         |
| 1   | <i>БМИни бажариш учун<br/>топшириқ олиш ва ишчи<br/>дастурни ишлаб чиқиш</i>                                                        | 21-26.01.13     | 6   | 6   |                                         |
| 2   | <i>1-боб «Массивнинг табиий,<br/>иқтисодий ва ижтимоий<br/>шароитлари тавсифи»ни<br/>ёзиш</i>                                       | 28.01.-15.02.13 | 16  | 22  |                                         |
| 3   | <i>Массивнинг ер турлари ва<br/>қишлоқ хўжалик экинлари<br/>туширилган тарҳини чизиш</i>                                            | 16-28.02.13     | 11  | 33  |                                         |
| 4   | <i>2-боб «Массив ҳудудида<br/>намунавий лойиҳалар асосида<br/>уй – жой қурилиши учун ер<br/>ажратиш лойиҳаси»ни ишлаб<br/>чиқиш</i> | 01-30.03.13     | 26  | 59  |                                         |
| 5   | <i>Лойиҳавий чизмаларни чизиш<br/>(2 ечимда)</i>                                                                                    | 01-13.04.13     | 12  | 71  |                                         |
| 6   | <i>3-боб «Лойиҳани иқтисодий<br/>ва экологик асослаш»ни ёзиш</i>                                                                    | 15-27.04.13     | 12  | 83  |                                         |
| 7   | <i>Лойиҳанинг асосий техник -<br/>иқтисодий кўрсаткичлари<br/>жадвалини тузиш</i>                                                   | 29.04-04.05.13  | 6   | 89  |                                         |
| 8   | <i>Фойдаланилган адабиётлар<br/>ва манбалар рўйхатини<br/>тузиш</i>                                                                 | 06-10.05.13     | 3   | 92  |                                         |
| 9   | <i>БМИнинг кириш ва хулоса<br/>қисмини ёзиш</i>                                                                                     | 11-14.05.13     | 4   | 96  |                                         |
| 10  | <i>БМИни расмийлаштириш ва<br/>кафедрага топшириш</i>                                                                               | 15-18.05.13     | 4   | 100 |                                         |

Битирув малакавий иши раҳбари \_\_\_\_\_

А.Муқомов

Топшириқни бажаришга олдим \_\_\_\_\_

А.Таштемирова

Топшириқ берилган вақти

“ 21” январ 2013 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Ердан фойдаланиш ва ер кадастри факультети

5620700-« Ер тузиш ва ер кадастри » бакалавриатура таълим йўналиши

Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси

«Тасдиқлайман»  
кафедра мудири  
М.Ж.Тўлаганов  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2013 йил

“Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги “Туркистон” массиви  
худудида намунавий лойиҳалар асосида уй–жой қурилиши учун ер  
ажратиш лойиҳаси” мавзусида бажариладиган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ  
ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи:

А.Таштемирова

Раҳбар:

А.Муқумов

Тошкент–2013 й

## **Кириш**

1. Бозор иқтисодиёти шароитида Республикамизда намунавий лойиҳалар асосида уй – жой қуришнинг ўзига хос хусусиятлари

2. Намунавий лойиҳалар асосида аҳоли пунктига ер танлаш ва ажратишда ер тузишнинг роли

3. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар

### **1-боб. Массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари тавсифи**

- 1.1 Массив тўғрисида умумий маълумотлар
- 1.2 Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари) тавсифи
- 1.3 Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи
- 1.4 Массив ҳудудида ердан фойдаланишнинг ҳолати
- 1.5 Аҳоли яшаш жойлари тавсифи
- 1.6 Деҳқончилик тавсифи
- 1.7 Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

### **2-боб. Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй – жой қурилиши учун ер ажратиш лойиҳаси**

2.1 Массив ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида уй–жой қурилиши учун ажратиладиган ернинг ўрни ва майдонини аниқлаш

2.2 Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй–жой қурилиши учун ер ажратиш

2.3 Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй–жой қурилиши учун ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш

2.4 Ер тузиш ишларини бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

### **3-боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш**

3.1 Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш

3.2 Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш.

3.3 Лойиҳанинг асосий техник - иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

3.4 Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш

## **Хулоса**

## **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати**

## **Иловалар**

## **КИРИШ**

Бозор иқтисодиёти шароитида республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мавжуд ер ресурсларининг аҳамияти жудаям катта. Бу соҳада ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади. Ишлаб чиқариш жараёни ва инсониятнинг барқарорлиги ер ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам ерни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш инсоният олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз ер ресурслари 44410.3 минг га ташкил этади, шундан 46.10 % қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган. Республиканинг арид иқлим шароитига эгаллиги қишлоқ хўжалигининг фақат суғорма деҳқончилик асосидагина ривожланиши мумкинлигини таъкидлаётган ҳақиқат. Агар минтақадаги сув ресурслари захирасининг чекланганлигини ҳисобга олсак, суғориладиган ерларнинг кадр-қиммати қанчалик юқорилигини тасаввур этиш қийин эмас. Суғориладиган ерлар Республикамиз ер фондининг атиги 9.71% қисмини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерларнинг қисман шўрланганлиги, табиий ва антропоген таъсирлар натижасида тупроқ эрозиясига учраганлиги ва бошқа тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этувчи жараёнларнинг пайдо бўлаётганлиги республикамиз ер фондидан самарали фойдаланишни ташкил этиш масаласининг долзарблигини кўрсатиб турибди.

Ер тузиш ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунлар ва ҳукуматимиз қарорларининг амалга оширилишини таъминловчи давлат тадбирлари тизими ҳисобланиб, халқ хўжалиги тармоқлари орасида ва тармоқлар ичида олиб борилади. У давлатнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва у билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан, меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ер ресурсларини ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ушбу тадбирнинг асосий вазифаси табиатни муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш масканлари ва қўриқхоналар ташкил қилиш ва бошқалардан иборат. Ер тузиш ишлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида, шу жумладан фермер хўжаликларида ўтказилиб, янги ерларни ўзлаштириш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Ер тузиш орқали қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши учун ер ажратиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига<sup>1</sup> мувофиқ, жойларда якка тартибдаги замонавий лойиҳа асосида уй-жойлар қурилмоқда. 2013 йилда ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар давом эттирилгани ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича 10 мингта уйнинг барпо этилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида”ги қарорида<sup>2</sup>, жорий йилда мамлакатимизда умумий майдони 997.1 га ташкил этувчи 353 та турар-жой массивида 10 мингта янги уй-жой қурилиши белгиланган. Қуриладиган янги уй-жойларнинг 8.51 мингтаси Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобига, яна 1.49 мингта уй-жой эса банкларнинг имтиёзли ипотека кредити ва Молия вазирлигининг мақсадли кредит линияси ҳисобига қад ростлайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №1167 Қарорига

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январда имзоланган “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида”ги №1902 Қарори

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишида архитекторларнинг ўрни катта бўлиб, айниқса ҳозир жаҳон тажрибасини эгаллаган ҳолда қурилиш ишлари амалга оширилаётганлиги яққол намоёндыр. Жумладан, Европа, Германия, Россия, Чехия, Литва ва бошқа бир қанча чет эл тажрибалари асосида лойиҳалар ишлаб чиқилганки, улар аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Масалан, Россияда ҳар қандай иқлим шароитига мос тушувчи, барча қулайликларга эга бўлган намунавий типдаги уйлар қад ростламоқда. Шунингдек, Россиянинг Шаҳарсозлик кодексига биноан, индивидуал 3 қаватдан ошмаган турар-жой объекти бир оила учун мўлжалланганлиги белгилаб қўйилган. 2012 йил 1 январдан бошлаб эса барча талабларга жавоб берувчи 700 та намунавий типдаги турар-жой объектлари лойиҳалари қурилиш учун яроқли деб топилган. Ушбу лойиҳаларни фуқаролар эҳтиёж ва талабларига биноан ўз танловлари асосида уй-жой қуриш ҳуқуқига эгадирлар<sup>3</sup>.

Битирув малакавий ишида кўзда тутилган асосий мақсад Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги “Туркистон” массиви ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер ажратиш лойиҳасини ишлаб чиқишдир.

Битирув малакавий ишида қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги материаллар асос бўлиб хизмат қилади:

1. Массив ҳудудининг табиий ва иқтисодий шароитларини тавсифловчи умумий маълумотлар;
2. Массив ҳудудида ер турлари ва қишлоқ хўжалик экинларининг амалда жойлашуви тархи;
3. Контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер ажратиш билан боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатлар.

---

<sup>3</sup> [www.google.co.uz](http://www.google.co.uz) (Тезкор кидирув тармоғи)

## **1-БОБ. МАССИВНИНГ ТАБИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ**

### **1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар**

“Туркистон” массиви Тўрақўрғон туманининг шимолий қисмида жойлашган. Массив шимоли-шарқдан туман маркази – Тўрақўрғон шаҳар ерлари билан, шарқдан “Косонсой” массиви ерлари билан, жанубий-шарқдан “Ўзбекистон” массиви ерлари билан, жанубдан “Шарқ Юлдузи” массиви ерлари билан, ғарбдан эса, “Наъмуна” массиви ерлари билан, шимолий-ғарбдан “Наврўз” массиви ерлари билан чегарадош. Массивнинг шимолий-шарқ чегарасини суғориш тармоғи ва йўл ташкил этиб, мазкур чегаранинг умумий узунлиги – 1814 м, “Шарқ Юлдузи” массиви билан ҳам суғориш тармоғи ва йўл орқали чегарадош бўлиб, чегаранинг умумий узунлиги – 3665 м, шимолий чегарасининг узунлиги – 576 м, шимоли-ғарб чегарасининг узунлиги 3809 м, жануби-шарқ чегараси суғориш тармоғи орқали ўтиб, унинг узунлиги – 2594 м, жануб чегарасининг узунлиги 2729 м, шарқ томондан чегара вазифасини суғориш тармоғи, ариқ ва йўллар ташкил этиб, унинг умумий узунлиги 6179 м ташкил этади. Массив чегарасидаги умумий ер майдони 1286.2 га ташкил қилади. Худуд ягона ер участкасидан иборат, шакли буйича ихчамлилик коэффициенти 1.5 тенг.

Массив худудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг асосий ишлаб чиқариш йўналиши деҳқончилик (пахтачилик ва ғаллачилик) бўлсада, шу билан бир каторда ёрдамчи тармоқ сифатида чорвачилик билан ҳам шуғулланилади. Қишлоқ хўжалик экинлари таркибида ҳайдалма ерлар (95.16%) энг юқори ҳажмни эгаллайди. Массив худуди 2012 йил маълумотларига кўра, 25 та фермер хўжаликларига бириктириб берилган. Массив худуди вилоят маркази – Наманган шаҳри ва туман маркази – Тўрақўрғон шаҳри ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальт йўллар орқали боғланган. Массив маркази – “Сайрам” кишлоғидан туман марказигача бўлган масофа 3.2 км, вилоят марказигача 21.8 км ташкил этади.

## **1. 2. Табiiй шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари) тавсифи**

**Иқлими.** Иқлим шароитлари бўйича массив жойлашган ҳудуд субтропик тоғ олди ярим чўл зонасига киради. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги ва буғланишнинг юқорилиги билан ажралиб туради.

Январда ўртача ойлик ҳарорат – 2.3°C ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -26°C. Совуқ бўлмаган вақт 242 кундан иборат.

Ёз ойи иссиқ, июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 26.3°C тенг бўлиб, энг иссиқ ҳарорат июл ойида 42°C ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 188 мм ташкил қилади. Иқлимнинг Наманган метеостанция маълумотлари бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари 1-жадвалда келтирилган.

**Рельефи.** Массивнинг рельефи асосан текисликдан ва кам нишабли паст-баландликлардан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника ишларини олиб бориш натижасида рельеф ўзининг бугунги кундаги маданий кўринишини олган.

Массив қуйидаги геоморфологик ажратмада жойлашган: пролювиал-аллювиал ётқизиклардан ташкил топган, Косонсой дарёси ёйилмасининг юқори ва ўрта қисмида жойлашган. Механик таркиби бўйича ўртача ва енгил кумоқли, кам тошли ерлардан иборат, шўрланмаган.

**Тупроқлари.** Массив тупроқлари тоғ олди ярим чўл зонаси Ўрта Осиё минтақасининг пролювиал-аллювиал ётқизикли суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари ва суғориладиган ўтлоқи тупроқларидан иборат. Тупроқларнинг ўзлаштириш даври ва маданийлашганлиги, механик таркиби, чиринди қатлами қалинлиги, шўрланганлик даражаси, бонитет баллари ва майдони тавсифи 2-жадвалда келтирилган.

## Наманган метеостанциясининг иқлим бўйича кўп йиллик ўртача маълумотлари

| № | Кўрсаткичлар                         | I    | II  | III | IV   | V    | VI   | VII  | VIII | IX   | X    | XI  | XII | Йил  |
|---|--------------------------------------|------|-----|-----|------|------|------|------|------|------|------|-----|-----|------|
| 1 | Ҳарорат, °C                          |      |     |     |      |      |      |      |      |      |      |     |     |      |
|   | -ўртача                              | -2.3 | 0.2 | 9.0 | 16.4 | 20.7 | 25.0 | 26.3 | 25.1 | 20.2 | 13.2 | 6.4 | 0.2 | 13.4 |
|   | -юқори                               | 16   | 2   | 30  | 36   | 39   | 42   | 41   | 41   | 37   | 32   | 24  | 19  | 42   |
|   | -паст                                | -24  | -23 | -22 | -4   | 5    | 8    | 12   | 10   | 4    | -4   | -14 | -26 | -26  |
| 2 | Ёғингарчилик<br>Микдори, мм          | 24   | 19  | 30  | 19   | 20   | 8    | 6    | 2    | 4    | 18   | 19  | 19  | 188  |
| 3 | Шамол:                               |      |     |     |      |      |      |      |      |      |      |     |     |      |
|   | а) румблар бўйича<br>такрорланиши, % |      |     |     |      |      |      |      |      |      |      |     |     |      |
|   | Ш                                    | 2    | 3   | 3   | 4    | 4    | 4    | 3    | 1    | 4    | 1    | 3   | 3   | 3    |
|   | ШШҚ                                  | 27   | 27  | 19  | 14   | 15   | 19   | 11   | 4    | 4    | 10   | 15  | 23  | 16   |
|   | ШҚ                                   | 29   | 25  | 20  | 15   | 18   | 19   | 14   | 5    | 4    | 15   | 25  | 29  | 18   |
|   | ЖШҚ                                  | 2    | 5   | 2   | 1    | 3    | 3    | 1    | 3    | 3    | 5    | 2   | 3   | 3    |
|   | Ж                                    | 0    | 1   | 2   | 3    | 4    | 5    | 6    | 6    | 6    | 7    | 4   | 2   | 4    |
|   | ЖҒ                                   | 19   | 19  | 26  | 32   | 29   | 28   | 38   | 53   | 48   | 34   | 24  | 22  | 31   |
|   | Ғ                                    | 20   | 19  | 27  | 29   | 24   | 21   | 26   | 28   | 29   | 28   | 26  | 17  | 24   |
|   | ШҒ                                   | 1    | 1   | 1   | 2    | 3    | 1    | 1    | 0    | 2    | 0    | 1   | 1   | 1    |
|   | б) шамолнинг ўртача<br>тезлиги, м/с  | 1.1  | 1.5 | 1.9 | 2.0  | 1.8  | 1.6  | 1.3  | 1.1  | 1.2  | 1.5  | 1.3 | 1.2 | 1.5  |

## Тупроқ экспликацияси

| Тупроқ айирмаларининг №                 | Ўзлаштириш даври ва маданийлаштириш даври | Механик таркиби         |                                              |                              | Чиринди қатлам қалинлиги, см | Шўрланиш даражаси | Майдони, га |                                  | Бонитет балли |
|-----------------------------------------|-------------------------------------------|-------------------------|----------------------------------------------|------------------------------|------------------------------|-------------------|-------------|----------------------------------|---------------|
|                                         |                                           | 0-30 см                 | 30-100 см                                    | 100-200 см                   |                              |                   | Умумий      | Ҳайдалма ер/кўп йиллик дарахтзор |               |
| 1                                       | 2                                         | 3                       | 4                                            | 5                            | 6                            | 7                 | 8           | 9                                | 10            |
| 1. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар |                                           |                         |                                              |                              |                              |                   |             |                                  |               |
| 1                                       | Эскидан суғориладиган, ўрта маданийлашган | Ўрта кумоқли            | Ўрта кумоқлар қатламли оғир кумоқлар         | Ўрта кумоқлар 110-140 см тош | 45-65                        | шўрланмаган       | 306         | 241.7                            | 90            |
| 2                                       | Эскидан суғориладиган, ўрта маданийлашган | Ўрта кумоқли, кам тошли | Оғир ва ўрта кумоқлар 50-100 см тош          | тош                          | 10-20                        | шўрланмаган       | 441         | 323/37.3                         | 56            |
| 3                                       | Эскидан суғориладиган, ўрта маданийлашган | Ўрта кумоқли, кам тошли | Ўрта ва енгил кумоқлар ва кумли 40-45 см тош | тош                          | 10-15                        | шўрланмаган       | 35          | 5                                | 63            |
| 4                                       | Янги суғориладиган, кам маданийлашган     | Ўрта кумоқли, кам тошли | Оғир ва ўрта кумоқлар 30-50 см тош           | тош                          | 10-20                        | шўрланмаган       | 295         | 241                              | 39            |

2-жадвалнинг давоми

|                                   |                                                 |                                             |                                                     |                                                        |       |                 |               |                   |    |
|-----------------------------------|-------------------------------------------------|---------------------------------------------|-----------------------------------------------------|--------------------------------------------------------|-------|-----------------|---------------|-------------------|----|
| 5                                 | Янги<br>ўзлаштирилган                           | Ўрта<br>кумоқли                             | Ўрта<br>кумоқлар 45<br>см тош                       | тош                                                    | 30    | шўрлан<br>маган | 9             | 6                 | 45 |
| 2. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар |                                                 |                                             |                                                     |                                                        |       |                 |               |                   |    |
| 6                                 | Янги<br>суғориладиган,<br>ўрта<br>маданийлашган | Ўрта<br>кумоқли,<br>ўрта ва<br>кўп<br>тошли | Оғир<br>кумоқлар<br>қатламли<br>ўрта 50 см<br>шағал | Ўрта<br>кумоқлар<br>ўрта<br>тошли<br>150-200<br>см тош | 50-70 | шўрлан<br>маган | 192.7         | 124.7/9.3         | 64 |
| <b>Жами</b>                       |                                                 |                                             |                                                     |                                                        |       |                 | <b>1278.7</b> | <b>939.2/47.8</b> |    |

Массив бўйича тупроқларнинг ўртача ҳисобланган балли: **60 балл**

### **1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи**

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шахобчалари туғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Туркистон номли массивнинг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган.

Асосий суғориш тармоғи “Бошканал” ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар эгаллаган майдон 51.5 га ташкил этади. Хўжаликдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу ариқлар ўзанининг асоси ер ҳисобланиб, инженерлик тармоқлари билан кам жиҳозланган. Каналларнинг асоси ер бўлганлиги сабабли вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массив ҳудудида бетон ариқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар йиллар давомида таъмирланмаган, шу сабабли суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффициенти 0.78 – 0.82 ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 15–20% ер остига сингади. Хўжаликнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда-майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар ўлчамининг кичиклиги, далалар шаклининг ноқулайлиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда.

Массивда йўл тармоқлари эгаллаган майдон 22.3 га ташкил этади.

### **1.4. Массив ҳудудида ердан фойдаланишнинг ҳолати**

Ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш – халқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган муаммодир. Бу ўз навбатида халқ хўжалиги тармоқларида ерларни оптимал тарзда тарқатишни мумкин қадар камроқ харажатлар сарфланган ҳолда ҳар гектар ер майдони ҳисобига кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мунтазам равишда ошириб боришни билдиради.

2012 йил 1 январь ҳолатига кўра “Туркистон” массивига 1278.7 га ер майдони фойдаланиш учун бириктирилган. Хўжалик ер фондининг ер

турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Массивнинг ер фонди

| № | Ер турлари                                          | Умумий<br>майdonи,<br>га | Қишлоқ<br>хўжалиги<br>ер<br>турларига<br>нисбатан<br>%<br>ҳисобида | Умумий<br>майdonга<br>нисбатан,<br>%<br>ҳисобида |
|---|-----------------------------------------------------|--------------------------|--------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------|
| 1 | Ҳайдалма ерлар:                                     | 939.2                    |                                                                    |                                                  |
|   | шу жумладан:                                        |                          |                                                                    |                                                  |
|   | -суғориладиган                                      | 939.2                    | 95.16                                                              | 73.44                                            |
| 2 | Кўп йиллик дарахтзорлар, жами:                      | 47.8                     | 4.84                                                               | 3.74                                             |
|   | шу жумладан, боғлар                                 | 40.1                     | 4.06                                                               | 3.14                                             |
|   | -узумзор                                            | 4.1                      | 0.415                                                              | 0.32                                             |
|   | -тутзорлар                                          | 3.6                      | 0.36                                                               | 0.28                                             |
|   | Жами қишлоқ хўжалик ер турлари                      | 987.0                    | 100                                                                | 77.18                                            |
| 3 | Томорқа ерлари                                      | 173.5                    |                                                                    | 13.6                                             |
| 4 | Ихота дарахтлари ва теракзор                        | 0.5                      |                                                                    | 0.04                                             |
| 5 | Арик, каналлар ва зовурлар                          | 52.4                     |                                                                    | 4.08                                             |
| 6 | Йўллар                                              | 18.0                     |                                                                    | 1.40                                             |
| 7 | Қурилишлар, кўчалар, саройлар ва майdonлар          | 47.2                     |                                                                    | 3.69                                             |
| 8 | Қишлоқ хўжалигида<br>фойдаланилмайдиган бошқа ерлар | 0.1                      |                                                                    | 0,01                                             |
|   | <b>Хўжаликка бириктирилган жами<br/>ерлар</b>       | <b>1278.7</b>            |                                                                    | <b>100.0</b>                                     |

3-жадвал маълумотларидан кўринадик, массив умумий майдонининг 73.44%, яъни 939.2 га майдонни ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Дарахтзорлар майдони 47.8 га, бу эса умумий майдоннинг 3.74 % ташкил этади. Бунда боғзорлар майдони 40.1га, узумзорлар майдони 4.1 га, тутзорлар майдони 3.6 га ташкил этади. Жами қишлоқ хўжалик ерлари 987.0 га бўлиб, умумий ер майдонининг 77.18 % ташкил қилади. Томорқа ерлари майдони 173.5 га ёки умумий ер майдонининг 13.6% ташкил этади.

#### 4-жадвал

“Туркистон” массивида ўзга ердан фойдаланувчилар рўйхати

| №           | Ўзга ердан фойдаланувчилар номи                                                 | Майдони, га |
|-------------|---------------------------------------------------------------------------------|-------------|
| 1           | Туман халқ таълимига қарашли мактаблар                                          | 0.9         |
| 2           | Наманган вилоят автомобил йўллари бошқармасига қарашли ерлар                    | 4.3         |
| 3           | Оқтош-Боғибаланд-Наврўз қишлоқ хўжалик аэродроми ва қабристон билан банд майдон | 2.3         |
| <b>Жами</b> |                                                                                 | <b>7.5</b>  |

4-жадвалда массив ҳудудидаги ўзга ердан фойдаланувчилар рўйхати берилган бўлиб, уларнинг умумий сони 3 та, умумий майдони эса 7.5 га ташкил этади.

Массив ҳудудида фермер хўжаликлари ташкил этилиши натижасида майдонлар фермер хўжаликларига тақсимлаб берилди. Фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари ва ер турлари ҳақидаги 2012 йил 1 январ ҳолатига бўлган маълумот қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

## Фермер хўжаликларининг ер турлари бўйича майдонлари

| № | Фермер хўжалик<br>лари номи      | Ишлаб чиқариш<br>йўналиши | Умумий ер<br>майдони | Ҳайдалма<br>ерлар | Боғзор | Ўзумзор | Теракзор | Тутзор | Жами к/х ер<br>турлари | Ариқлар,<br>зовурлар | Йўллар | Қурилишлар | Бошқа ерлар |
|---|----------------------------------|---------------------------|----------------------|-------------------|--------|---------|----------|--------|------------------------|----------------------|--------|------------|-------------|
| 1 | Махбуба ая                       | Пахта-ғаллачилик          | 102.3                | 97.4              | 0.2    |         |          | 0.2    | 97.8                   | 1.8                  | 2.5    | 0.2        |             |
| 2 | Улуғбеклар                       | Чорвачилик                | 61.2                 | 58.3              |        |         |          | 0.1    | 58.4                   | 2.1                  | 0.7    |            |             |
| 3 | Нуриддин                         | Пахта-ғаллачилик          | 48.5                 | 46.5              |        |         |          |        | 46.5                   | 1.6                  | 0.4    |            |             |
| 4 | Бурхонов Лутфулло<br>Сайдулло    | Пахта-ғаллачилик          | 53.6                 | 50.3              |        |         |          |        | 50.3                   | 2.3                  | 0.5    | 0.5        |             |
| 5 | Комилов Турсунбой                | Пахта-ғаллачилик          | 130.63               | 124               |        |         | 0.5      |        | 124.2                  | 4.9                  | 0.8    | 0.7        |             |
| 6 | Мирзаева Хатича ая               | Пахта-ғаллачилик          | 73.2                 | 69.5              | 0.4    |         |          |        | 69.9                   | 2.6                  | 0.3    | 0.4        |             |
| 7 | Хосилбек ЁХА                     | Пахта-ғаллачилик          | 93.8                 | 88.1              | 0.1    |         | 0.6      |        | 88.5                   | 3.6                  | 1.4    |            |             |
| 8 | Валижон Набижон<br>саховати      | Пахта-ғаллачилик          | 67.2                 | 63.3              |        |         |          |        | 63.3                   | 2.6                  | 1.3    |            |             |
| 9 | Акбаров Хусниддин<br>Мубиллаевич | Пахта-ғаллачилик          | 142.3                | 130               | 0.4    |         |          |        | 130.4                  | 11                   | 0.6    | 0.3        |             |

## 5-жадвалнинг давоми

|    |                  |                  |               |              |             |            |            |            |              |             |             |            |            |
|----|------------------|------------------|---------------|--------------|-------------|------------|------------|------------|--------------|-------------|-------------|------------|------------|
| 10 | Комилжон ота ЭОК | Пахта-ғаллачилик | 92.8          | 87.5         | 0.2         |            |            |            | 87.7         | 3.5         | 1.3         | 0.3        |            |
| 11 | Дилшоджон        | Пахта-ғаллачилик | 12.5          | 11.7         | 0.4         |            |            |            | 12.1         | 0.4         |             |            |            |
| 12 | Умарбой Зийнати  | Пахта-ғаллачилик | 39.9          | 36.1         |             |            |            |            | 36.1         | 1.4         | 2.4         |            |            |
| 13 | Меҳриниса ая     | Пахта-ғаллачилик | 30.4          | 29.7         |             |            |            |            | 29.7         | 0.7         |             |            |            |
| 14 | Шарк Д           | Чорвачилик       | 22.4          | 21.6         |             |            |            |            | 21.6         | 0.7         | 0.1         |            |            |
| 15 | М. Фозилов       | Чорвачилик       | 27.7          | 26.8         |             |            |            |            | 26.8         | 0.8         | 0.1         |            |            |
| 16 | М.Омонов         | Боғ-узумчилик    | 23.4          |              | 23.2        |            |            |            | 23.2         | 0.2         |             |            |            |
| 17 | А.Қосимов        | Боғ-узумчилик    | 2.1           |              |             |            |            | 2          | 2            |             |             | 0.1        |            |
| 18 | И.Бозоров        | Боғ-узумчилик    | 2.75          | 0.6          |             | 1.85       |            |            | 2.45         | 0.1         | 0.2         |            |            |
| 19 | К.Хожиев         | Боғ-узумчилик    | 2.95          |              | 0.4         | 2.25       |            |            | 2.65         | 0.1         | 0.2         |            |            |
| 20 | О.Боннаев        | Боғ-узумчилик    | 5.2           |              | 4.6         |            |            |            | 4.6          |             |             | 0.6        |            |
| 21 | Р.Хожиматов      | Боғ-узумчилик    | 2.6           |              | 2.5         |            |            |            | 2.5          |             |             |            | 0.1        |
| 22 | А.Аҳмаджонов     | Боғ-узумчилик    | 1.7           |              | 1.4         |            |            |            | 1.4          | 0.1         |             | 0.2        |            |
| 23 | Н.Бозоров        | Боғ-узумчилик    | 2.7           |              | 2.5         |            |            |            | 2.5          | 0.1         | 0.1         |            |            |
| 24 | Б.Солиев         | Боғ-узумчилик    | 1.7           |              | 1.6         |            |            |            | 1.6          |             | 0.1         |            |            |
| 25 | А.Каримов        | Боғ-узумчилик    | 2.7           |              | 2.2         |            |            |            | 2.2          | 0.2         | 0.1         | 0.2        |            |
|    | <b>Жами</b>      |                  | <b>1046.5</b> | <b>939.2</b> | <b>40.1</b> | <b>4.1</b> | <b>0.5</b> | <b>3.6</b> | <b>987.0</b> | <b>40.8</b> | <b>13.1</b> | <b>3.5</b> | <b>0.1</b> |

5-жадвалга кўра, фермер хўжаликлари пахта-ғаллачилик, чорвачилик ва боғ-узумчилик йўналишларига ихтисослашган бўлиб, уларнинг умумий сони 25 тани, шу жумладан пахта-ғаллачилик йўналишига ихтисослашган фермер хўжаликлари сони 12 тани, чорвачиликка ихтисослашганлари 3 тани, боғ-узумчилик йўналишларига ихтисослашганлари 10 тани ташкил этади. Уларга бириктирилган майдон 1046.5 га. Шу жумладан, пахта-ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг умумий ер майдони 886.8 гани, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг умумий ер майдони 111.3 гани, боғ-узумчиликка ихтисослашган хўжаликларнинг умумий ер майдони эса, 47.8 гани ташкил этмоқда. Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони 41.84 гани, шу жумладан пахта-ғаллачилик йўналишига ихтисослашган хўжаликларда 73.9 гани, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда 37.1 гани, боғ-узумчиликка ихтисослашган хўжаликларда эса 4.78 га ташкил қилади.

### 1.5. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массив ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларида яшайдиган аҳолининг умумий сони 5805 одамни ташкил қилиб, “Сайрам” қишлоғида истиқомат қилади. Қишлоқ массив учун марказий қишлоқ вазифасини бажаради. Бу қишлоқ бошқа қўшни массивларда жойлашган қишлоқлар билан яхши йўл алоқасига эга туман маркази ёнида жойлашган бўлиб, аҳоли учун кўплаб қулайликларга эга. Қишлоқлардаги аҳоли сони ҳамда қишлоқнинг ободонлаштирилганлик даражаси қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

#### Массивдаги аҳоли яшаш жойи тавсифи

| Қишлоқ номи | Оила-лар сони | Аҳоли сони |                  | Маданий маиший бино ва иншоотлар                                    | Ободонлаш тирилганлиги                                   | Томор қа ер майдони, га | Вазифаси        |
|-------------|---------------|------------|------------------|---------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|-------------------------|-----------------|
|             |               | Ҳам-маси   | Меҳ-натга яроқли |                                                                     |                                                          |                         |                 |
| Сайрам      | 1165          | 5805       | 2902             | ҚФЙ, мактаб, боғча, магазин, ҚВП, АЁҚШ, қишлоқ гузари, сартарошхона | Газлашган, электрлашган, ичимлик суви билан таъминланган | 173.5                   | Марказий қишлоқ |

### 1.6. Дехқончилик тавсифи

Массив ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятининг 2012 йил маълумотлари бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ва ғаллачилик ҳисоблангани ҳолда, боғдорчилик, пиллачилик ва сутчилик ҳам мавжуд бўлиб, бу тармоқлар ҳам ривожланиб бормоқда.

Фермер хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби тавсифи 7-жадвалда келтирилган.

7- жадвал

Фермер хўжаликларида экилган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

| №           | Экинлар тури      | Экин<br>майдонлари,<br>га | Шу жумладан,<br>% ҳисобида |
|-------------|-------------------|---------------------------|----------------------------|
| 1.          | Пахта             | 505.8                     | 53.9                       |
| 2.          | Бугдой            | 339.3                     | 36.1                       |
| 3.          | Ем-хашак экинлари | 94.1                      | 10.0                       |
| <b>Жами</b> |                   | <b>939.2</b>              | <b>100.0</b>               |

Юқоридаги 7-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳайдалма ерларда пахта экини билан банд майдон 505.8 га бўлиб, умумий экин майдонларининг 53.9 % ини ташкил қилади. Дон экилган майдонлар эса, умумий экин майдонларининг 339.3 га ёки 36.1 % ташкил этади. Ем-хашак экинлари экилган майдон умумий экин майдонининг 10 %, яъни 94.1 га, жами фермер хўжаликларида экилган қишлоқ хўжалик экинлари таркиби эса 939.2 га ташкил этади.

Массив ҳудудида мавжуд бўлган фермер хўжаликларининг 3 таси чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлиб, қўйчилик ва сут ишлаб чиқариш фермалари мавжуд ҳамда уларда чорва моллари боқилади. Қўйчилик фермаларининг умумий майдони 1.99 га, сут ишлаб чиқариш фермаларининг умумий майдони 6.45 га ташкил этади. Массив ҳудудида чорвачилик соҳасининг тавсифи қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

## Чорва моллари таркиби ва бош сони

| №  | Чорва моллари турлари ва гуруҳлари | Бош сони | Умумий бош сонига нисбатан % ҳисобида |
|----|------------------------------------|----------|---------------------------------------|
| 1. | Қора моллар, жами                  | 360      | 100                                   |
|    | шу жумладан:                       |          |                                       |
|    | - сигирлар                         | 162      | 45                                    |
|    | - буқалар                          | 7        | 2                                     |
|    | - ғунажжинлар                      | 76       | 21                                    |
|    | - бузоқлар                         | 115      | 32                                    |
| 2. | Қўйлар ва эчкилар                  | 565      | 100                                   |

Умумий қора моллар сони 360 бошни, қўй ва эчкиларнинг умумий сони эса 565 бошни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги 9-жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

## Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

| №           | Экинлар тури                        | Майдони, га  | Ҳосилдор-лиги, ц | Ялпи маҳсулот ҳажми, т |
|-------------|-------------------------------------|--------------|------------------|------------------------|
| 1.          | Пахта                               | 505.8        | 27               | 1366                   |
| 2.          | Бугдой: дони<br>сомони              | 339.3        | 40               | 1357                   |
|             |                                     |              | 33               | 1120                   |
| 3.          | Ем-хашак экинлари<br>(маккажўхори): |              |                  |                        |
|             | -дони                               | 42.8         | 46               | 197                    |
|             | -пояси                              |              | 220              | 942                    |
|             | Арпа:                               |              |                  |                        |
|             | -дони                               | 51.3         | 33               | 169                    |
|             | -сомони                             |              | 25               | 128                    |
| <b>Жами</b> |                                     | <b>939.2</b> |                  | <b>5279</b>            |

Фермер хўжаликларида 2012 йил 1 январгача 2890 меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 1285 киши тўғридан-тўғри фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида қатнашган. 1605 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган. Хўжаликда жами қишлоқ хўжалиги ерлари майдони 988.4 га, шундан ҳайдалма ер майдони 941.4 га ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга ўртача 0.34 га фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги ер майдони, 0.33 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади.

Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 10-жадвалда келтирилган.

10- жадвал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

| №  | Қишлоқ хўжалик ер турлари | Майдони, га | Ҳосилдорлиги, ц/га | Ялпи маҳсулот, т |
|----|---------------------------|-------------|--------------------|------------------|
| 1. | боғ                       | 40.1        | 170                | 682              |
| 2. | узумзор                   | 4.1         | 200                | 82               |
| 3. | тутзор                    | 3.6         | 80                 | 29               |

### **1.7. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари**

Лойиҳа иқтисодий асосланган бўлиши керак. Бунинг учун тавсия этилаётган тадбирларнинг самарадорликларини аниқлаш керак. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда натижаларга таъсир қиладиган, камчиликларнинг мавжудлигига ва тугатилишига боғлиқ бўлган барча мавжуд ва келиб чиқадиган аҳамиятли алоқаларни чуқур таҳлил қилиш ва тўла ҳисобга олиш керак бўлади. Фақат энг аниқ сезиладиган – транспорт харажатларининг камайишини ҳисоблаш билан чекланиб қолмаслик керак<sup>4</sup>.

Массивнинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий баҳосини аниқлаб олиш керак бўлади.

<sup>4</sup> С.Авезбоев, С.Н.Волков. Ер тузишни лойиҳалаш. Дарслик. 93 б

Қуйидаги 11-жадвалда массивда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий баҳоси ва сотиладиган маҳсулотларнинг қийматлари келтирилган.

11-жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

| №  | Қишлоқ хўжалик<br>маҳсулотлари номи | Миқдори,<br>тонна | Ўлчов<br>бирлиги<br>баҳоси,<br>мингсўм | Умумий<br>баҳоси,<br>минг сўм | Сотиладиган<br>маҳсулотлар<br>қиймати,<br>минг сўм |
|----|-------------------------------------|-------------------|----------------------------------------|-------------------------------|----------------------------------------------------|
| 1  | 2                                   | 3                 | 4                                      | 5                             | 6                                                  |
| 1  | Пахта                               | 1366              | 900                                    | 1229400                       | 129400                                             |
| 2  | Буғдой:<br>-дони<br>-сомони         | 1357<br>1120      | 300<br>50                              | 407100<br>56000               | 244260                                             |
| 3  | Маккажўхори:<br>-дони<br>-пояси     | 197<br>942        | 500<br>50                              | 98500<br>47100                |                                                    |
| 4  | Арпа:<br>-дони<br>-сомони           | 169<br>128        | 500<br>50                              | 84500<br>6400                 | 50700                                              |
| 5  | Мева                                | 682               | 800                                    | 545600                        |                                                    |
| 6  | Узум                                | 82                | 1000                                   | 82000                         |                                                    |
|    | <b>Жами<br/>деҳқончилик</b>         | <b>6043</b>       |                                        | <b>2556600</b>                | <b>1524360</b>                                     |
| 7  | Пилла                               | 2.1               | 1000                                   | 2100                          | 2100                                               |
| 8  | Сут                                 | 486               | 1000                                   | 486000                        | 291600                                             |
| 9  | Гўшт                                | 25.2              | 12000                                  | 302400                        | 181440                                             |
| 10 | Жун                                 | 2.2               | 5000                                   | 11000                         | 6600                                               |
|    | <b>Жами чорвачилик</b>              |                   |                                        | <b>801500</b>                 |                                                    |
|    | <b>Жами</b>                         |                   |                                        | <b>3358100</b>                | <b>2006100</b>                                     |

Массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолияти тавсифи қуйидаги 12-жадвалда келтирилган.

12-жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

| №  | Кўрсаткичлар              | Ўлчов бирлиги | Миқдори |
|----|---------------------------|---------------|---------|
| 1. | Ялпи маҳсулот қиймати     | Минг сўм      | 3358100 |
|    | Шу жумладан: деҳқончилик  | Минг сўм      | 2556600 |
|    | Чорвачилик                | Минг сўм      | 801500  |
| 2. | Ишлаб чиқариш харажатлари | Минг сўм      | 2585737 |
|    | Соф даромад               | Минг сўм      | 772363  |
|    | Рентабеллик               | %             | 29.9    |

2012 йил якунлари бўйича фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотнинг умумий қиймати 3358100 минг сўмни, ишлаб чиқариш харажатлари 2585737 минг сўмни, соф даромад 772363 минг сўмни ва самарадорлик кўрсаткичи 29.9%ни ташкил этган.

**тарх**

## **2-БОБ. МАССИВ ХУДУДИДАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ УЧУН ЕР АЖРАТИШ ЛОЙИҲАСИ**

### **2.1. Массив худудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ажратиладиган ернинг ўрни ва майдонини аниқлаш**

Ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этиш хўжаликлараро ер тузишнинг иккинчи турига киради, мазмунида ва усулларида ўз хусусиятларига эга.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Ерда саноат корхоналари, энергетика объектлари, автомобил ва темир йўллари, электр узатиш ва алоқа тармоқлари, қувур ўтказгичлар, аҳоли яшаш жойлари, муҳофаа, маданият, соғлиқни сақлаш объектлари қурилади. Шунинг учун, ҳар доим у ёки бу ноқишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотларига, муассасаларига ер участкаларини ажратиш зарурати келиб чиқаверади. Бунда бутун халқ хўжалиги бўйича оптимал натижаларга эришишга ҳаракат қилиш керак.

Мўлжалланган мақсадлари ҳар хил ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил этишда, одатда, ерларни тоифалар ва халқ хўжалиги тармоқлари орасида қайта тақсимлаш, айрим вазиятларда эса маҳсулдор ерларнинг сарфланиши кузатилади.

Қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналари ҳар хилдир. Уларга саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва маданий, илмий, соғлиқни сақлаш, дам олиш, сув хўжалиги, ўрмон хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва ҳар хил иншоотлар киради. Уларга ер майдонлари доимий ёки вақтинча фойдаланишга берилади. Уларнинг ерлари майдонлари ва жойлашиши бўйича ҳар хил бўлади. Майдони ва жойлашган ўрни ўзгариб турувчи ёки ўзгармайдиган, шакли ихчам ёки узун ер полосаларидан иборат бўлиши мумкин. Улар атроф муҳитга ҳар хил таъсир (ер ости сувларининг ер юзасига кўтарилиши, ерларнинг қуриб кетиши, ифлосланиши) қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Бу таъсир, уларга ер ажратиш лойиҳаларини тузиш

вақтида ҳисобга олиниши керак. Аҳоли яшаш пунктларини жойлаштиришга маълум талаблар қўйилади, уларни учта гуруҳга бўлиш мумкин:

- қурилиш-лойиҳалаш;
- ижтимоий;
- экологик.

Қурилиш-лойиҳалаш талаблари ўз ичига қуйидагиларни олади:

✓ янги объектларни қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун участкалар танлашда рельефи, тупроқ қатламлари, сизот сувларининг чуқурлиги бўйича қурилиш меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган шароитларни таъминлашни;

✓ санитария-ҳимоя, зоотехника, ветеринария, ёнғинга қарши ва бошқа талабларга риоя қилишни;

Аҳоли пунктларининг ҳудудларини ташкил этишда архитектура-қурилиш, лойиҳалаш-жойлаштириш ва ландшафтли лойиҳалаш учун ташкилий-ҳудудий шароитлар яратишни.

Ижтимоий талабларга қуйидагилар киради:

• қишлоқ аҳолисининг ўз ишлаб чиқариш бўлимларида бандлик даражасини ошириш;

• иш ўринларини яшаш жойларига яқинлатиш;

• аҳолига маданий-маиший ва бошқа хизматлар даражасини ошириш;

• қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг ишлаб чиқариш марказлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, маданий-маиший ва медицина хизматлари жойлари, туманлар марказлари, транспорт воситалари бекатлари орасидаги ўзаро қулай алоқаларини ташкил этиш;

• рекреацион ва соғломлаштириш фаолиятлари учун шароит яратиш.

Экологик талаблар қуйидагиларни назарда тутди:

• табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини бажаришни;

• қишлоқларнинг яшаш ва ишлаб чиқариш зоналарини сув манбааларига, жойларнинг рельефига, кучли шамоллар йўналишига тўғри жойлаштириш, тупроқнинг, сув ва ҳавонинг ифлосланиш имкониятларини тугатиш;

Аҳоли яшаш пунтлари учун одатда рельефи текис, ер катламлари жипслашган, йўлларга ва сув таъминоти манбаларига нисбатан қулай жойлашган, қуруқ ер участкаси танланади. Бунда мавжуд қишлоқларнинг қишлоқ хўжалик ерларига ва ишлаб чиқариш марказларига нисбатан жойлашиши аҳолининг иш, яшаш ва ҳордиқ чиқариш жойларини оқилона ташкил этиш мақсадида, ҳисобга олинади.

“Ер ажратиш меъёрлари”да ҳар хил ерларда ва рельефнинг ҳар хил шароитларида жойлаштириладиган ҳар хил тоифалардаги йўллар учун ажратиладиган ер полосалари кенгликлари кўрсатилган. Бундай объектнинг умумий майдони энг аввало намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ажратиладиган майдон ўлчамига боғлиқ бўлади. Юқорида келтирилган талаблар асосида массив ҳудудида икки ечимда ер участкалари танланди ва уларнинг майдонлари аниқланди.

Ечимлар бўйича ажратиладиган ер участкалари майдони ҳисоби қуйидаги 13 - жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Ечимлар бўйича ажратилаётган ер майдонлари

| №              | Ердан фойдаланувчи номи               | Ер тури        | Майдони,га   |
|----------------|---------------------------------------|----------------|--------------|
| <b>1-ечим</b>  |                                       |                |              |
| 194қ.<br>195қ. | “Комилжон ота ЭОК” фермер<br>хўжалиги | Хайдалма<br>ер | 0.38<br>3.22 |
|                | <b>Жами</b>                           |                | <b>3.6</b>   |
| <b>2-ечим</b>  |                                       |                |              |
| 36қ.           | “Улуғбеклар” фермер хўжалиги          | Хайдалма<br>ер | <b>3.6</b>   |

13-жадвал маълумотларига кўра 1-ечим бўйича жами 3.6 га, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турларидан 3.6 га ер майдонини ажратиш режалаштирилса, 2-ечим бўйича ҳам жами 3.6 га, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турларидан 3.6 га ажратиш кўзда тутилади.

## **2.2. Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер ажратиш**

Лойиҳа тасдиқлангандан ва қурилиш учун маблағ ажратилгандан кейин қурилиш ташкилотлари ер ажратишни сўрайди. Сўровномага керакли ҳужжатлар билан бир қаторда биринчи ва иккинчи босқичлар орасида ишланган ерни рекультивация қилиш, унумдор қатламни ажратиб олиш, сақлаш ва кейинчалик фойдаланиш бўйича ишчи лойиҳалари, аҳолини кўчириш тўғрисидаги маълумотлар, туман ҳокимиятининг ерни фойдаланишга бериш шартлари ва бошқалар тиркалади.

Туман ҳокимияти ер ресурслари қўмитасининг хизматларини жалб этиб, зарур материалларни тайёрлайди ва ер участкасини олиш ва сўралган мақсад учун бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Қарорда ажратиладиган ер участкасининг майдони, ер участкасини бериш шартлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Энг яхши ечимни топиш мақсадида, манфаатдор ташкилотлар ва корхоналар учун тўғри келадиган, жойлаштиришнинг бир неча ечимлари (вариантлари) кўриб чиқилади.

Қимматбаҳо қишлоқ хўжалик ва ўрмон ерларини, ҳудуднинг мавжуд ташкил этилишини сақлаш, ерларнинг аҳволи ва сифати ёмонлашишининг олдини олиш учун қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

- ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланишларини биринчи навбатда захира ерларида, қишлоқ хўжалиги ерларидан бошқа ерларда, қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ёки унумдорлиги паст ерларда, ҳамда ўрмон билан қопланмаган, арзонбаҳо дарахтлар ва буталар билан қопланган ўрмон фонди ерларида жойлаштириш;

- мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчиларни, айниқса қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларини ва улар ҳудудларининг ички ташкил этилишини бузмаслик ёки ушбу ва атрофдаги ерлардан фойдаланиш самарадорлиги ва маҳсулдорлигининг пасайишига бевосита ва билвосита олиб келадиган ўзгаришларни энг кам киритиш;

➤ эрозия, батқоқлашиш, сизот сувлари кўтарилиши жараёнларига, ерлар бузилиши ва ифлосланишининг бошқа турларига йўл қўймаслик бўйича чораларни кўриш;

➤ қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг хўжалик фаолияти шароитларининг ёмонлашишига олиб келадиган, уларга зарарлар ва харажатлар келтирадиган салбий оқибатларга йўл қўймаслик.

Ердан фойдаланиш ва унинг айрим қисмларини жойлаштириш ечимлари ҳамда унинг чегараларини кейинчалик аниқлаш табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича меъёрий ҳужжатларга, ҳаракатдаги санитария-гигиена, архитектура-лойиҳалаш ва бошқа аниқ объектларни жойлаштириш ва қуриш бўйича меъёрлар, қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилиб ишланади.

Энг яхши ечим сифатида қишлоқ хўжалик ерларини кам сарфлайдиган ва муҳофаза қиладиган, мавжуд хўжаликлар ерларидаги ўзгаришлар минимал бўлган ва ташкил этилаётган корхона фаолиятига зарур ҳамма шарт-шароитларни яратадиган ечим қабул қилинади.

Массивда ечимлар бўйича ер участкаларини жойлаштириш тавсифи қуйидагича:

**1-ечим бўйича** массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ажратилиши лозим бўлган ер майдони аҳоли пунктига яқин бўлган, қулай шарт-шароитларга эга, яъни газ қувури, ичимлик суви, иссиқлик, электр тармоғи билан таъминланганлигини ҳисобга олиб, “Сайрам” қишлоғининг жануби-шарқий чегарасида мавжуд бўлган 194қ- ва 195қ- контурларда жойлаштирилди.

**2-ечим бўйича** Массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ажратилиши лозим бўлган ер майдони биринчи навбатда аҳоли пунктига, магистрал йўлга яқин бўлганини, қулай шарт-шароитга эга эканлигини ҳисобга олиб, “Сайрам” қишлоғининг жануби-ғарбий чегарасида мавжуд 36қ - контурда жойлаштирилди.

### **2.3. Ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш**

Ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва бошқа ерга оид бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда қонун ости меъёрий ҳужжатларига биноан бажарилади.

Ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин жойларда унинг чегаралари белгиланади, ердан фойдаланувчига ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси (акти) берилади. Фақат шундан кейингина участкадан фойдаланишга киришишга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 25 феврал куни "Шаҳар қурилиши фаолияти учун ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан мустасно бўлган бошқа ишлар учун ер участкалари ажратиш ҳамда иншоотлар қуриш учун рухсат бериш тизимини кескин соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни қабул қилди. Ҳужжатда ер участкаларини тақсимлаш тартиби Низоми тасдиқланган.

Ноқишлоқ хўжалик корхонасига қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудидан ер ажратиш билан боғлиқ ер тузиш иши таркибига кирувчи ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Ер участкасига талабгорнинг илтимосномаси;
2. Фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши баённомаси;
3. Талабгорнинг ер тузиш ишини қўзғатиш бўйича туман ҳоқимига илтимосномаси;
4. Ер участкасини жойида танлаш далолатномаси
5. Туман ҳоқимининг ер ажратиш бўйича қарори;
6. Ер участкаси плани;
7. Санитария – эпидимология хизмати ҳулосаси;
8. Вилоят ҳоқимининг қарори;
9. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг ҳулосаси.

# **1-ечим лойиха**

## **2-ечим лойиха**

**Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва  
мулкдорлари кўрган зарарларни, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва  
ўрмон хўжалиги  
ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини аниқлаш  
СХЕМАСИ**



Наманган вилояти  
бош меъмори В.П.Равшановдан  
Тўрақўрғон тумани  
«Комилжон ота ЭОК» фермер хўжалиги  
рахбари М.К.Сатторовга

### **Илтимоснома**

2013 йилда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ишлари режалаштирилган. Режалаштирилган намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойнинг бир қисми сиз раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ҳудудида амалга оширилади.

Уй-жой қурилишини бошлаш учун махсус меъёрлар асосида 3.6 га ер майдонини ажратишга розилик беришингизни сўрайман.

Наманган вилояти бош меъмори

20. 10. 2012 йил

В.П.Равшанов  
(Ф.И.Ш.)

Тўрақўрғон туманидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги  
аъзоларининг умумий мажлиси  
**БАЁНИ**

24.10.2012

№13

“Сайрам” қ.ф.й.

Йиғилиш раиси: А.В.Йўлдошев  
Котиб: К.Т.Шеримбетов

Қатнашдилар: Наманган вилоятининг бош  
меъмори В.П.Равшанов ва фермер хўжалик  
аъзоларидан 6 киши

**Кун тартибидаги масала:**

1. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер ажратиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан фермер хўжалиги раҳбари М.К.Сатторов сўзга чиқиб, Наманган вилояти бош меъмори В.П.Равшановнинг намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон туманидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан ер ажратишга розилик бериш тўғрисидаги илтимосномаси билан таништирди. Наманган вилоятининг бош меъмори В.П.Равшанов “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалигида қурилиш режалаштирилаётган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойларнинг лойиҳасини чизмалар (схема) ёрдамида тушунтириб берди. Йиғилиш раиси А.В.Йўлдошев йиғилиш аъзоларининг ушбу масала юзасидан фикрларини сўради ҳамда фермер хўжалиги ерида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун 3.6 га ер майдони ажратишга розилик бериш таклифини киритди.

Юқоридаги масалани йиғилиш қатнашчилари муҳокама қилиб

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

1. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан 3.6 га суғориладиган ер майдони ажратишга розилик берилсин.
2. Ушбу қарор тасдиғи Тўрақўрғон тумани ҳокимидан сўралсин.

Йиғилиш раиси:

А.В.Йўлдошев  
(Ф.И.Ш.)

Йиғилиш котиби:

К.Т.Шеримбетов  
(Ф.И.Ш.)

Тўрақўрғон тумани ҳокими Ш.Акмаловга  
Наманган вилоятининг  
бош меъмори В.П.Равшановдан

### **Илтимоснома**

2012 йил – “Мустаҳкам оила йили” бўйича давлат дастурини амалга ошириш ва аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида Тўрақўрғон тумани ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Режалаштирилган уй-жойлар қурилишини бошлаш учун “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги аъзоларининг ер ажратишга розилиги олинган (24.10.2012 й. 13-сонли қарор).

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши мақсадида ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш учун тегишли кўрсатма беришингизни сўрайман.

Наманган вилояти бош меъмори

27.10.2012 йил

В.П.Равшанов  
(Ф.И.Ш.)

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон тумани  
“Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан  
ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги  
**ДАЛОЛАТНОМА**

«05» ноябр 2012 й.

№55

“Комилжон ота ЭОК”  
фермер хўжалиги

Ушбу далолатнома Наманган вилояти бош меъморининг Тўрақўрғон туман ҳокими номига ёзган 2012 йил 27 октябрдаги илтимосномасига асосан тузилди.

**Қуйидаги тузилган комиссия аъзолари:**

Комиссия раиси:

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Абдуллаев Л. А.  
(Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари:

1.Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи

Рашидов Р.Д.  
(Ф.И.Ш.)

2.Хўжалик ҳисобидаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр бўлими бош мутахассиси

Каримов Э.Р.  
(Ф.И.Ш.)

3.Туман бош меъмори

Абдусаломов Д.О.  
(Ф.И.Ш.)

4.Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлим бошлиғи

Шавкатов А.Т.  
(Ф.И.Ш.)

5.Туман ДСЭН бош шифокори

Салимов Ю.Д.  
(Ф.И.Ш.)

6. “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги бошқаруви раиси

Сатторов М.К.  
(Ф.И.Ш.)

7. “Сайрам” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Йўлдошев А.В.  
(Ф.И.Ш.)

Шу куни комиссия аъзолари “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудига чиқиб, ер ҳолатлари ички қурилишлар билан танишиб, тегишли қурилиш меъёрий қоидаларга асосланган ҳолда массив ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш масаласини кўриб чиқиш учун йиғилдилар.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш учун “Туркистон” массивининг қишлоқ хўжалик харитаси бўйича 194қ-, 195қ-контурларидан жами 3.6 га суғориладиган ер майдони танланди.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун танланган ер майдонининг чегаралари:

Шимолдан – “Сайрам” қишлоғи ерлари

Шарқдан – “Шерзод Абдурахмонович” номли фермер хўжалиги ерлари

Жанубдан – “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ерлари

Ғарбдан – “Сайрам” қишлоғи ерлари

Юқорида қайд қилинганларни ҳисобга олиб комиссия аъзолари, “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун 3.6 га суғориладиган ер майдони танлаш ва ажратишни маъқул деб топдилар ва ушбу далолатнома тасдиғини Тўрақўрғон туман ҳокимидан сўрайдилар.

Имзо чекувчилар:

- 1.Туман қишлоқ ва сув  
хўжалиги бўлими бошлиғи
- 2.Хўжалик ҳисобидаги ер тузиш  
ва кўчмас мулк кадастр бўлими  
бош мутахассиси
- 3.Туман бош меъмори
- 4.Туман ер ресурслари ва давлат  
кадастрбўлим бошлиғи
- 5.Туман ДСЭН бош шифокори
6. “Комилжон ота ЭОК” фермер  
хўжалиги бошқаруви раиси
7. “Сайрам” қишлоқ фуқаролар  
йиғини раиси

Рашидов Р.Д.  
(Ф.И.Ш.)

Каримов Э.Р.  
(Ф.И.Ш.)

Абдусаломов Д.О.  
(Ф.И.Ш.)

Шавкатов А.Т.  
(Ф.И.Ш.)

Салимов Ю.Д.  
(Ф.И.Ш.)

Сатторов М.К.  
(Ф.И.Ш.)

Йўлдошев А.В.  
(Ф.И.Ш.)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
NAMANGAN VILOYATI  
TO'RAQO'RG'ON TUMANI  
HOKIMINING  
QARORI**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ  
ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИ  
ҲОКИМИНИНГ  
ҚАРОРИ**

«12» noyabr 2012 yil

№ 18

Namangan shahri

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” номли фермерхўжалиги ҳудудидан ер танлаш ва ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил – “Мустаҳкам оила йили” бўйича давлат дастурини ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Наманган вилояти ҳокимининг 2012 йил 9 январдаги №05-сонли қарорига асосан “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан фуқаро М.К.Сатторовга намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги тайёрланган ер тузиш хужжатларини кўриб чиқиб, “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги аъзоларининг 2012 йил 24 октябрдаги №13-сонли умумий мажлис қарорини инобатга олиб,


**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги комиссия аъзоларининг 2012 йил 5 ноябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермерхўжалиги ҳудудидан 3.6 га суғориладиган ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор тасдиғи Наманган вилояти ҳокимидан сўралсин.

**ҲОКИМ:**

Асқаров Т.Д.  
(Ф.И.Ш.)

**Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан ер майдони кўрсатилган қишлоқ хўжалиги харитасидан  
К ў ч и р м а**



М и қ ъ ё с 1: 10000

**Ер участкаси чегарадош ерлари изоҳи**  
 Шимолдан – Сайрам қишлоғи ерлари  
 Шарқдан – “Шерзод Абдурахмонович”  
 номли фермер хўжалиги ерлари  
 Жанубдан – “Комилжон ота ЭОК” фермер  
 хўжалиги ерлари  
 Ғарбдан – Сайрам қишлоғи ерлари

**Шартли белгилар**

|                                                                                      |                                        |
|--------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------|
|  | Ердан<br>фойдаланувчилар<br>чегаралари |
|  | Йўллар                                 |
|  | Ариқлар                                |

Туман ҳокимини биринчи ўринбосари

Абдуллаев Л. А.  
(Ф.И.Ш.)

Туман бош меъмори

Абдусаломов Д.О.  
(Ф.И.Ш.)

Туман ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғи

Шавкатов А.Т.  
(Ф.И.Ш.)

“Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги

Сатторов М.К.  
(Ф.И.Ш.)

Расмийлаштирувчи

Маҳкамов Қ.Ж.  
(Ф.И.Ш.)

## ҚУРИЛИШ УЧУН АЖРАТИЛГАН ЕР-ЖОЙ ҲАҚИДАГИ

№19-сонли

Х У Л О С А

«19» декабр 2012 йил

1. Ер ажратиш муассасаси номи ва бу ташкилотнинг юқоридаги раҳбар муассасаси:

Наманган вилояти ҳокимлиги ва Тўрақўрғон туман ҳокимлиги .

2. Ажратилган ернинг манзили:

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги .

3. Қайси ҳужжат асосида қуйидаги хулоса тайёрланган:

1. Наманган вилояти бош меъморининг илтимосномаси (20.10.2012 й.) .

2. “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиш баённомаси (24.10.2012 й.) .

3. Ер ажратиш комиссиясининг далолатномаси (05.11.2012 й.) .

4. Наманган вилояти бош меъморининг таман ҳокимига илтимосномаси (27.10.2012 й.) .

5. Туман ҳокимининг қарори (12.11.2012 й.) .

4. Қандай шароитда ер ажратилганлиги ҳақида қисқача маълумот:

Ажратилган ер массив ҳудудидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалигида 194қ-, 195қ-контурларда жойлашган бўлиб, 39 балл бонитетига эга бўлган суғориладиган ҳайдалма ер, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун яроқли .

5. Мавжуд тартибот бўйича муассаса қайси синфга тааллуқли; санитария ҳимоя зонаси бўйича ва шу зонани ташкил этиш имкониятлари:

Массивда ҳимоя зонаси ташкил етилган .

6. Сув таъминот манбалари ва унда санитария ҳимоя зонаси ташкил этилганлиги:

Массив шимолий қисмидаги сув манбаси билан таъминланган .

7. Чиқинди сувларини тозаловчи иншооти (канализация) ташкил этиш имкониятлари:

Массив чиқинди сувларни тозаловчи махсус иншоотлар (филтрлар), канализациялар билан таъминланган .

8. Чиқинди сувларини чиқаришга мўлжалланган жой ҳақидаги маълумотлар:

Массивда чиқинди сувларни чиқариб юбориш учун алоҳида жойлар бўлиб, улар канализациялар орқали массив ташқарисидаги махсус жойларга чиқариб юборилади .

Туман ДСЭН бош врач

Турдиев А.О.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
NAMANGAN VILOYATI  
TO'RAQO'RG'ON TUMANI  
**HOKIMLIGI**

(Ф.И.Ш.)  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ  
ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИ  
**ҲОКИМЛИГИ**

«23» dekabr 2012 yil

№ 88

Namangan shahri

Наманган вилояти ҳокими Ш.Шоқосимовга  
Тўрақўрғон тумани ҳокими Ш.Акмаловдан

**Илтимоснома**

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги тумандаги “Сайрам” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан 3.6 гектар ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақидаги Наманган вилояти бош меъморининг илтимосномасини инобатга олиб туман ҳокимининг фермер хўжалиги еридан 3.6 га суғориладиган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида 2012 йил 12 ноябрдаги № 18- сонли қарори қабул қилинган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Сиздан қабул қилинган Тўрақўрғон тумани ҳокимининг қарорини Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-6 моддаларига асосан тасдиқлаб беришингизни сўрайди.

Ер ажратишга доир ҳужжатлар илова қилинади.

ҲОКИМ:

Акмалов Ш.М.  
(Ф.И.Ш.)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI YER RESURSLARI, GEODEZIYA,  
KARTOGRAFIYA VA DAVLAT KADASTRI DAVLAT QO'MITASI**

**NAMANGAN VILOYATI YER RESURSLARI VA DAVLAT KADASTRI  
BOSHQARMASI**

**УПРАВЛЕНИЕ ПО ЗЕМЕЛЬНЫМ РЕСУРСАМ И ГОСУДАРСТВЕННОМУ  
КАДАСТРУ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

715160 Namangan sh. Do'stlik shox ko'chasi, 20  
tel : 333-89-98

«26» dekabr 2012 yil

**Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон  
тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер  
хўжалиги ҳудудидан ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида**

**ХУЛОСА № 55**

Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги вилоят ҳокими номига 2012 йил 23 декабрдаги хати билан мурожаат этган.

Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги қошидаги ер ажратиш комиссияси томонидан Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массиви ҳудудидagi “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги еридан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун жами 3.6 га суғориладиган ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлади.

Тўрақўрғон тумани ҳокими ўзининг ваколати доирасида 2012 йил 12 ноябрдаги №18-сонли қарори билан юқоридаги ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаган.

Тўрақўрғон туманидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ажратилаётган ер майдонидаги унумдор қатламини олган ҳолда шу ҳудуддаги фермер хўжаликларнинг кам ҳосилли ерларни яхшилаш учун солиниши шарт.

Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» 36-моддасининг 10-бандига асосан 2 йил мобайнида ажратилган ер майдони ўзлаштирилмаса мазкур қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида Тўрақўрғон туман ҳокимияти огоҳлантирилади. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун кўрсатилган шартлар ҳамда Тўрақўрғон вилояти ҳокимининг ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги қарори тасдиқлангандан сўнг рухсат этилади.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Наманган вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси Тўрақўрғон тумани ҳудудидан ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб, маъқуллайди.

Бошқарма бошлиғи

Шукуров С.Р.  
(Ф.И.Ш.)

«29» декабр 2012 й.  
ҳокимлигига

Тўрақўрғон туман

**ШАҲАРСОЗЛИК ХУЛОСАСИ № 123**

**1. Объектнинг кимга қарашлилиги:**

М.К.Сатторов .

**2. Объектнинг манзили:**

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги .

**3. Хулоса беришга асос бўлган ҳужжатлар:**

Туман ҳокимининг қарори (12.12.2012 й.) .

Туман ҳокимининг вилоят ҳокимига илтимосномаси (12.12.2012 й.) .

Наманган вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғининг хулосаси (21.12.2012й.) .

**4. Участка характеристикаси:**

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан майдони 3.6гектар, шакли тўртбурчак, шимолдан – “Сайрам” қишлоғи ерлари, шарқдан – “Шерзод Абдурахмонович” фермер хўжалиги ерлари, жанубдан – “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ерлари, ғарбдан – “Сайрам” қишлоғи ерлари билан чегарадош бўлган ер участкаси ажратилган .

**5. Қурилишни лойиҳалаштириш учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:**

1. Ҳаракатдаги ШҚН 2.07.01-03 шаҳарсозлик норма ва қоидалари, ҳар бир қишлоқ ва аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш талабларига амал қилиш; .

2. Қурилишни лойиҳалаштиришда табиатни, атроф-муҳитни ва экологияни муҳофаза қилиш ҚМҚ 01.03.01.-96, санитария СанҚМ 01.53.04, ёнғиндан муҳофаза қилиш ҚМҚ 2.01.02-85 меъёрий қонун-қоидаларига риоя қилиш; .

3. Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси архитектура – режалаштириш топшириқларининг 1-2 қисмларини тайёрлаб бериш учун буюртма бериш ва бажарилган АРТлар асосида лойиҳалаштиришни амалга ошириш; .

4. Лойиҳани вилоят шаҳарсозлик кенгашида кўриб чиқиш учун вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасига тақдим этиш; .

5. Ушбу хулосада баён этилган талаблар қатъиян бажарилиши шарт, акс ҳолда хулоса ўз кучини йўқотади .

Бош бошқарма бошлиғи

Агзамов Т.А.  
(Ф.И.Ш.)

“08” январ 2013 й.

№03-сон

Наманган ш.

**Q A R O R  
РЕШЕНИЕ**

**Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массивидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида**

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массиви ҳудудидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги еридан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги қошидаги ер ажратиш комиссияси томонидан Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массиви ҳудудидаги “Комилжон ота ЭОК” фермер хўжалиги еридан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши учун жами 3.6 га суғориладиган ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги Тўрақўрғон туман ҳокимининг 2012 йил 12 ноябрдаги №18-сон қарори тасдиқлансин.

2. Наманган вилояти қурилиш бошқармасига:

а) ажратилаётган экин ер майдонидаги унумдор қатламини олган ҳолда шу ҳудуддаги фермер хўжаликларининг кам ҳосилли ерларини яхшилаш учун солиш;

б) вилоят Архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан архитектура режалаштириш топшириқлари (АРТ-1,2 қисмлари)ни олиши;

в) вилоят Архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан иншоотларнинг лойиҳасини рўйхатдан ўтказиш вазифалари топширилсин.

3. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига ушбу қарор асосида вилоят ер фондида тегишли ўзгаришлар киритиш вазифаси топширилсин.

4. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини бошлаш учун мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» 36-моддасининг 10-бандига асосан 2 йил мобайнида ажратилган ер майдони ўзлаштирилмаса мазкур қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида Наманган вилояти қурилиш бошқармаси огоҳлантирилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Алимов Т.М.) зиммасига юклатилсин.

**ҲОКИМ**

**Шоқосимов Ш.И**  
(Ф.И.Ш.)

## **2.4. Ер тузиш ишларини бажаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги**

### **2.4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг диққат марказига қўйилган мақсад бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олган. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги принцип ва усуллар асосида: бахтсиз, ходисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган фандир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги – бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Ҳаёт фаолияти хавсизлиги меҳнат муҳофазаси ва фуқаро муҳофазасига қараганда кенг ва универсалдир, яъни улар аниқ вазиятларда хавфсизликни таъминлашнинг қисман ҳолатларини ўрганади. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани фан ва техника ривожланишининг мантикий асосида вужудга келди.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчасида кўп учрайдиган таърифлар билан белгиланади.

Фаолият – инсоннинг жамиятда мавжуд бўлиши учун керакли шароит.

Меҳнат – фаолиятнинг юқори шакли. Файласуфларнинг фикрича, инсоннинг таърифи-ҳаракатдаги, меҳнатдаги фаолиятидадир.

Меҳнат ва фаолият шакллари турлича бўлиб, улар ҳаётда учрайдиган ақлий, маънавий, маданий, илмий ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади.

Хавфсизлик – бу айрим эҳтимолларга асосланиб пайдо бўладиган хавф-хатарларни иқисно этилган фаолият ҳолатидир.

Шунинг билан биргаликда Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган учта асосий вазифани ечади:

-хавфларни идентификациялаш, яхни хавфларнинг сонли характеристикаси ва келиб чиқиш нуқталарини кўрсатган ҳолда уларнинг қиёфасини билиш;

-фойда ва харажатни таққослаш асосида хавфлардан ҳимояланиш;

-мумкин бўлган салбий хавфларни (қолган хавф-хатар концепциясидан келиб чиққан ҳолда) бартараф қилиш.

Меҳнат муҳофазаси борасида илмий тадқиқот ишларини меҳнатни муҳофаза қилиш институти ва олий ўқув юртларининг “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” кафедралари, кўплаб тиббиёт илмий-тадқиқот ташкилотларида олиб борилади. Одатда барча стандарт ва техник талабларга “Хавфсизлик техникаси” талаблари киритилади.

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси кўплаб қонун чиқарувчи расмий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган бўлиб, тартибга солиб ва бошқариб турилади. Ўзбекистон Республикаси конституциясида, меҳнат тўғрисидаги қонунларда меҳнат муҳофазасига оид асосий низомлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони<sup>5</sup>га кўра Республикамиз ҳудудида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни башоратлаш ва юз берган ҳолда уларнинг оқибатларини зудлик билан тугатиш ишларини ташкил қилиш учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги биринчилардан бўлиб ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида қабул қилинган “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги<sup>6</sup>, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1378 сонли Фармони

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил 20 августдаги., 9-сон, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2010 й., 37-сон, 316-модда

қонунлар<sup>7</sup> босқичма-босқич қабул қилинди. Фуқаро муҳофазаси борасида илк бор қабул қилинган ва кучга кирган қонун аҳолини ва ҳудудларни турли хилдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида асосий тушунчалар, ҳукумат ваколатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалокатли вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида маълумот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги қарорига<sup>8</sup> кўра Республикамиз ҳудудида қуйидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин: техноген фавқулодда вазиятлар, табиий ҳалокатлар, экологик ҳалокатлар. Аҳоли ва ҳудудни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш;
2. Фавқулодда вазиятлардан кўриладиган талофатларни камайтириш;
3. Фавқулодда вазиятларни енгиллаштириш ва шароитни баҳолаш;
4. Фавқулодда вазиятларни тугатишни ташкил этиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишни тайёрлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади:

1. Аҳолини барча қатламлар мактаб ўқитувчисидан тортиб қарияларгача ҳар бир киши яшаб, ишлаб, ўқиб турган жойида қандай фавқулодда вазиятлар вужудга келиши мумкинлигини, уларнинг тавсифини, аҳоли ва ҳудудга таъсирини билиши керак;

2. Ҳар бир киши эҳтимоли туғилган ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини билиши керак;

3. Ҳар бир киши юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ва воситаларини билиши ҳамда улардан фойдалана олишлари керак;

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 2000 йил 31 августдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги ва “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги Қонунлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 151-модда)

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 йилдаги 455-сонли “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги Қарори

4. Ҳар бир киши биринчи ёрдам беришни билиши ва ёрдам бериши керак.

Фуқаро муҳофазасида муҳандислик-техникавий тадбирлар меъёрларининг талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади: аҳолини муҳофаза қилиш, тинчлик даврида содир бўладиган фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш, тинчлик пайтида ва ҳарбий даврда халқ хўжалик объектлари, бирлашмалар, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий офат содир бўлганда зоналарда қутқариш ишларини амалга ошириш учун зарур шароит яратиши. Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларида фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техникавий тадбирларни лойиҳалаш ушбу меъёрий талаблар ҳамда вазирликлар, идоралар, Давлат қўмиталари, “Ўздавлатархитектурақурилиш” Давлат қўмитаси, Микроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массиви ҳудудида фермер хўжаликларида фавқулодда вазиятлардан сел келиши, ёнғин хавфсизлиги, зилзила бўлиш хавфлари камроқ.

#### **2.4.2. Ер тузишда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги**

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ер тузиш ишларининг аҳамияти жуда катта. Бу соҳада янги хўжалик корхоналарини ташкил қилиш, эскиларини такомиллаштириш ва уларнинг ер майдонларини ташкил қилиш ишлари илмий асосланган лойиҳалар тузишни тақазо этади. Ушбу ер тузиш лойиҳаларини тузиш тайёргарлик ишлари, яъни дала шароитида ва камерал тарзда амалга оширилади. Ер тузишда қурилиш ва инженер-геодезик ишларини махсус хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилса, иш жараёни вақтида юзага келадиган барча бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади. Қуйидаги 14-жадвалда ер тузишда қурилиш ва инженер-геодезик ишларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларига риоя

қилинмаганлиги сабабли юз берган бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичи фоиз ҳисобида келтирилган.

14-жадвал

Ер тузишда қурилиш ва инженер-геодезик ишларида юз берадиган  
бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичи

| №           | Иш турлари                                      | Бахтсиз ҳодисалар, % | Оғирлик даражаси бўйича |            |                            |
|-------------|-------------------------------------------------|----------------------|-------------------------|------------|----------------------------|
|             |                                                 |                      | Енгил                   | Оғир       | Ўлим билан тугаш ҳолатлари |
| 1           | Дала шароитида топография-геодезия ишлари       | 62.5                 | 74.3                    | 7.3        | 18.4                       |
| 2           | Ёрдамчи ишлар                                   | 29.3                 | 96.6                    | 2.4        | 1.0                        |
| 3           | Цех ва лабораторияларда камерал ишларни бажариш | 8.2                  | 100                     | -          | -                          |
| <b>Жами</b> |                                                 | <b>100</b>           | <b>270.9</b>            | <b>9.7</b> | <b>19.4</b>                |

14-жадвалдан кўриниб турибдики, дала шароитида топография-геодезия ишларида 62.5 %, ёрдамчи ишларда 29.3 %, цех ва лабораторияларда камерал ишларда эса 8.2 % бахтсиз ҳодисалар юз берар экан. Биргина дала шароитида топография-геодезия ишларида бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг ўлим билан тугаш ҳолатлари 18.4 % ни ташкил этмоқда.

Шунинг учун мутахассиснинг иш жойи хавфли зонадан ташқарида сақланиши керак.

Юқоридаги жалвалда келтирилган бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак бўлади:

1. Темир йўл раҳбариятидан рухсат олинади;
2. Поездлар қатнови жадвали олинади;
3. Барча ишчилар инструктаждан ўтадилар;
4. Ишчилар огоҳлантирувчи қизғиш-сарик кийим кийишлари керак;
5. Қўл асбобларини йўл четига қўйиш;
6. Йўлда юрганда автомобил қатновига қарама-қарши юриш;

7. Йўл устида иш олиб борганда иш жойидан ҳар томондан 120-180 м масофада огоҳлантирувчи белги “бошқа турдаги ҳарфлар” қўйилади;

8. Иш жойининг атрофида қизил рангдаги атрофини ўраб турувчи ҳимоя мосламаси қўйилади;

9. Йўлнинг ҳар иккала турида ҳам кучли шамол, туман ва ёмғирда, яшин хавфида, йўл музлаганда ишлаш таъқиқланади;

10. Ишга қабул қилиш даврида кўзи ва қулоғи ожиз кишиларни, ҳушидан кетиб қолувчиларни йўлларда ишлашга руҳсат берилмайди.

Ундан ташқари ер тузиш ишларида йўл ва кўприк қуриш ҳамда аҳоли яшаш пунктларида ишлаш жараёнларида ҳам хавсизлик қоидаларига риоя этиш зарур.

Йўл қурилишидаги геодезик ўлчовларни олиб боришда, карерда, тош майдаловчи ускунада, портлаш ишлари олиб борувчи районларда, электроэнергетика иншоотлари қурилиш зоналарида иш бажаришда эҳтиёткорлик чораларига риоя қилиш керак.

Қурилиш майдонининг бош плани тузилганида хавфсиз иш бажаришнинг ҳамма шароитлари кўзда тутилади. Айниқса, хавфли зоналарни ишлаш, битта қурилиш майдонида бир неча ташкилотнинг ҳамкорликда ишлаши, техниканинг тўпланиш жараёнларига катта эътибор берилади.

Хавфли ишларга қуйидагилар киради:

-чуқур траншея ва котлованлар билан боғлиқ ишлар;

-портлаш ишлари;

-катта баландликдаги монтаж ишлари;

-оғир конструкция ва ускуналарни ташиш ва монтаж ишлари ва х.к.

Аҳоли яшаш жойларида қурилиш майдони 2 м баландликдаги девор билан тўсилади.

Қурилиш майдонининг ҳамма жойида қуйидагилар кўзда тутилади:

-ўтиш ва транспорт юриш йўлларининг хавфсиз эни ( йўлакча-0.8 м, транспорт йўли 2.5 м);

-ариқчалар, траншеялар, вақтинчалик сув тармоғи кабилар устидан кўприкчалар;

-маиший-санитария бинолари;

-ўтиш юриш жойларида белгилар -кўрсаткичлар;

-йўлакчалар қиялиги 20° дан ошганда зинапоя ёки қўл билан тутиб юриш мосламаси;

-чоррахаларни сигнализация (ёруғлик-светофор) билан тахминлаш, темир йўл чоррахасини шлагбаум билан уларни кечки пайт ёритиши.

### **2.4.3. Ёнғин хавфсизлиги**

Ёнғин – махсус манбада бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи назоратсиз ёнишдир. Ёнғинга қуйидагилар сабаб бўлади: иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик, ички ёнув двигателларидан чиқадиган учкунлар, электр қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга уланиб қолиши, электр симларида босимнинг йўл қўйилмайдиган даражада ортиб кетиши, контактлари ёмон бўлган жойларнинг қизиб кетиши ва улардан учкун чиқиши, буғ қозонларининг портлаши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ёки ёқилғининг ўз-ўзидан ёниб кетиши.

Ёнишнинг олдини олишнинг ташкилий-техникавий тадбирларига қуйидагилар киради: ёнғин ёки портлаш жиҳатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жиҳозлар ўрнатиш, насос печлар, машиналар, электр жиҳозлардан, осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўриш, объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш, бинолар орасидаги ёнғинга қарши оралиқларга риоя қилиш, керакли

миқдорда эшиклар, зарур кенгликда коридор, йўлаклар куриш, уларнинг тўсиб қўйилишини ман этиш, ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кўриш.

#### **2.4.4. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари**

Ер тузиш жараёнида ишчилар турли кўринишда жароҳатланиши, шикастланиши масалан, лат ейиш, электр зарбасидан жароҳатланиш, заҳарли хашаротлардан, куёш нуридан зарарланиш кабилар. Уларга жойнинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам, корхона маъмурияти ишчиларни дори-дармонлар тўплами бор бўлган тиббиёт аптекаси билан таъминлаши зарур. Аптекада қўйидагилар бўлиши лозим: ичимлик содаси - 200 г, резина арқон -1 дона; валидол - 30 таблетка, йод эритмаси - бир флакон, борат кислотаси - 60г, шахсий пакет- 3 дона, лейкопластр (1x15 см) - 5 дона, вазелин - 50 г, бинт - 10 дона, новшадил спирти - 20 г, пахта - 100 г, шиналар – комплект.

Аптекадаги тиббий препаратлар қўйидаги мақсадларда ишлатилади:

-ичимлик содаси - кислота куйдирганда (ишқор ва кислоталар билан ишлашда) кўзни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида ичимлик содасининг 2-4% эритмасини тайёрлаш учун;

-валидол - асаб системасини тинчлантириш ва юрак атрофидаги оғриқларни йўқотиш учун;

-борат кислотаси ишқор таъсирида куйганда кўзни ювиш ва оғизни чайиш мақсадида 2-4% эритмаси тайёрланади;

-вазелин – 1-даражали куйишда, тирналганда, тери яллиғланганда терига суртиш учун;

-резина боғлам - қон кетишини тўхтаташ учун;

-шахсий пакетлар, бинтлар, пахта - лат еганда, яраланганда боғлаб қўйиш учун;

-новшадил спирти - ҳушдан кетганда ҳидлатиш учун;

-йод настойкаси - яранинг атрофига, теридаги шилинган, тирналган жойларига суртиш учун.

Шикастланишларга биринчи табиий ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- Шикастланиш сабабларини йўқотиш, жароҳатланувчини газлар, заҳарлар тўлган хонадан олиб чиқиш, электр токи урганда электр симини олиш, жароҳатланувчининг аҳволини ёмонлаштирадиган барча нарсаларни йўқотиш;

- Жароҳатланувчининг умумий аҳволини аниқлаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани йўқотиш;

- Оғир беъморга хавф туғилмайдиган бўлса биринчи табиий ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;

- Хушидан кетганда ташлаб кетмаслик;

- Биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимни қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш;

- Жароҳатланганни авайлаш.

Агар одамни электр токи урса, электр токи таъсирига тушиб қолган бўлса, уни токли қисмдан ажратиш зарур. Бунда электр қурилмасини рубильникдан ўчириш ёки включателдан узиш, симни қирқиб ташлаш, жабрланувчини кийимидан тортиб токли қисмлардан ажратиш, кукун таёқ ёрдамида токни олиб ташлаш лозим. Токдан ажратилгандан сўнг, бирор жойга ётқизилади. Кейин кийими ечилади ва тоза ҳаводан нафас олдирилади, новшадил спирти хидлатилади, бетига совуқ сув сепилади, бадани ишқаланади ва иситилади.

Тўрақўрғон тумани “Туркистон” массиви ҳудудидан намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуришга ер ажратиш вақтида турли хил техникалардан, асбоб-ускуналардан фойдаланишда жароҳатланиш ҳолатлари юзага келса, юқоридаги келтирилган биринчи табиий ёрдам кўрсатилади.

### **3-БОБ. ЛОЙИХАНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ**

#### **3.1. Ер ажратиш натижасида кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши**

##### **кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майда қабул қилинган №146-сонли Қарорининг 2-иловасига<sup>9</sup> мувофиқ кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари қуйидаги ҳолларда аниқланади ва қопланади:

❖ кишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерлари, шу жумладан деҳқон хўжалигини юритиш учун жисмоний шахсларга берилган ер участкаларидаги кишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйиш, ҳақ тўлаб олиш ёки вақтинча эгаллаб туриш, кишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун;

❖ кишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини муомаладан чиқарган ёки уларни камроқ қийматли ер-сувга ўтказган ҳолда қурилаётган сув омборлари, сув таъминоти манбалари, курортлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, йўллар, сув қувурлари, электр энергияси узатиш ва алоқа линиялари, шунингдек бошқа объектлар атрофидаги қўриқлаш, санитария ва ҳимоя теғраларини белгилаган ҳолда ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини чеклаш;

❖ юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг таъсири натижасида ер сифатининг ёмонлашуви.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори олиб қўйилаётган экин ерлари, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, узумзорлар, тутзорлар, мева кўчатлари, мевазорлар ва бошқалар), бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар, шу жумладан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкаларидаги ерларнинг майдонидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдори “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ўзини

---

<sup>9</sup>Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ва мулкдорларининг кўрган зарарларини, шунингдек кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши nobудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича маблағлар ер участкалари берилаётган юридик ва жисмоний шахслар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Худудий дастурларни ва тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини амалга ошириш, ерлардан оқилona ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши nobудгарчиликларининг ўрнини қоплаш ҳисобига тушган маблағларнинг 10 фоиз миқдоридаги қисми "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Массивда бошқа тармоқлар корхоналарини жойлаштириш натижасида қишлоқ хўжалик ерларини олиш келтириб чиқарадиган қишлоқ хўжалиги зарарлари, янги ерларнинг тенг майдонини (уларда олинадиган ерларнинг унумдорлик даражасигача тупроқлар унумдорлигини ошириш ва уларни маданийлаштириш бўйича тадбирларни ҳисобга олиб) ўзлаштириш баҳоси ҳажмида қопланиши керак.

Янги ерларни ўзлаштириш деганда қуйидаги тадбирлар мажмуасини бажариш тушунилади:

янги хўжаликларни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида фойдаланишга ноқишлоқ хўжалик ер турларини (бутазорлар, кам қимматли ўрмонлар, кесилган ўрмонлар ва бошқ.) киритиш;

мелиорация ишларини ўтказиш (захини қочириш, суғориш, маданий-техник ва бошқа тадбирлар).

Янги ерларни ўзлаштириш баҳосининг миқдори ўзлаштириладиган ерларда, олинадиган участкаларда етиштириладиганидан кам бўлмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни таъминлайдиган меъёрлар бўйича аниқланади.

Зарарларни қоплаш ва янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёрлари давлат томонидан белгиланади.

Шаҳарлар ерларини олишда бу меъёрларни оширувчи коэффициент қўлланилади (3 баробаригача).

Ер турлари сифатининг ёмонлашиши келтириб чиқарадиган зарарлар қишлоқ хўжалик ерлари сифатининг пасайишига пропорционал тарзда, янги ерларни ўзлаштириш баҳолари меъёридан фоиз ҳисобида аниқланади. Меъёрлар шундай ҳисоб билан тузилиши керакки, бунда унумдор ерларни олиш жудаям қиммат, энг арзони - ноқишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш бўлсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг энг кам зарарини келтириб чиқарувчи жойлаштириш ечими яхши ҳисобланади.

Қирқиб олинган тупроқнинг унумдор қатламини кам унумли ёки унумсиз ерларга ётқизишда зарарлар меъёрининг 50 % ҳажмида қопланади.

Ер участкаларини қуйидагиларга ажратишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши зарарлари қопланмайди:

- қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларда мелиоратив тизимларни қуриш учун;
- балиқчилик, балиқ урчитиш хўжаликлари, кўллари қуриш ва ш.ў. учун табиий яйловлар ва пичанзорларни ажратишда;
- аҳоли яшаш жойлари чегаралари ичида шахсий уй-жой қуриш учун;
- табиатни муҳофаза қилиш, табиий-қўриқхона, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадлар учун;
- бузилган ва заҳарли саноат чиқиндилари билан ифлосланган қишлоқ хўжалик ерларини консервациялашда, агар айбдорлар аниқланмаган бўлса ҳамда улар ерларни тиклаш бўйича зарур тадбирларни бажарган бўлса.

Лойиҳада ер ажратилиши ҳисобига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кўрадиган зарарни аниқлаш бўйича ҳисоб –китоблар қуйидаги 15 - жадвалда келтирилган.

Ечимлар бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кўрадиган зарар  
ҳисоби

| №            | Ер тури номи | Майдони,<br>га | 1га<br>майдоннинг<br>меъёрий<br>қиймати,<br>минг сўм                                                                                                                                                                            | Умумий қиймати,<br>минг сўм |
|--------------|--------------|----------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------|
| 1-ечим       |              |                |                                                                                                                                                                                                                                 |                             |
| 194к<br>195к | Ҳайдалма ер  | 0.38<br>3.22   | Ўзбекистон Республикаси Ер<br>кодексининг 87-моддасининг 3-банди<br>1- сўз бошига кўра якка тартибда уй-жой<br>қурилиши учун ер участкалари<br>ажратилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб<br>чиқаришининг нобудгарчилиги<br>қопланмайди |                             |
|              | Жами         | 3.6            |                                                                                                                                                                                                                                 |                             |
| 2-ечим       |              |                |                                                                                                                                                                                                                                 |                             |
| 36к          | Ҳайдалма ер  | 3.6            | Ўзбекистон Республикаси Ер<br>кодексининг 87-моддасининг 3-банди<br>1- сўз бошига кўра якка тартибда уй-жой<br>қурилиши учун ер участкалари<br>ажратилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб<br>чиқаришининг нобудгарчилиги<br>қопланмайди |                             |

**3.2. Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари  
кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш**

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ноқишлоқ хўжалик ердан фойдаланувчиларини жойлаштириш келтириб чиқарадиган зарарлари объектни жойлаштиришнинг ҳар бир ечими бўйича аниқланади. Улар тўла ҳажмда бузилган ишлаб чиқаришни таклаш учун зарур давр ҳисобига йўқотилган фойдани ҳам қўшиб қопланиши керак. Пулни зарар кўрган ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар олишади.

Ерларни сотиб олишда ер эгаликларининг зарарлари, уларнинг тўла қиймати миқдорида қопланади.

Қуйидагиларнинг баҳолари қопланиши керак:

- уй-жой бинолари, маданий-маиший мақсадларга мўлжалланган объектлар, ишлаб чиқариш ва бошқа бино ва иншоотлар ёки уларни янги жойга кўчириш бўйича харажатлар;

- мева-резавор, ҳимоя ва бошқа дарахтлар;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- ердан фойдаланишдаги ноқулайликлардан (камчиликлардан) келиб чиқадиган харажатлар;

- ерларнинг ёмонлашган сифатини тиклаш учун зарур харажатлар;
- ердан фойдаланувчи ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ харажатлар;

- бой берилган фойда.

Бинолар ва иншоотлар - тенг сифатли янги объектларни қуришнинг смета баҳоси бўйича; дарахтлар-кўчатлар ва уларни ўтқазиш ва мевалаш ёки шохлари туташа бошлагунча парваришlash баҳоси бўйича, тугалланмаган ишлаб чиқариш - ҳақиқий бажарилган ишлар ҳажми ва харажатлар миқдори бўйича баҳоланади;

Пайдо бўладиган ноқулайликлар келтириб чиқарадиган зарарлар йўллар, кўприклар, дамбалар ва бошқа иншоотларни қуриш, ҳамда транспорт воситаларини сотиб олишга сарфланадиган бир марталик (капитал) харажатлар миқдори билан аниқланади.

Ёмонлашган ерларнинг сифатини тиклаш бўйича зарарлар лойиҳа ҳужжатларидан келиб чиқиб аниқланади ва ўз ичига махсус изланишлар ва қидирувлар, ҳамда ернинг сифатини тиклаш бўйича тадбирлар қийматини олади.

Бой берилган фойда бузилган ишлаб чиқаришни тиклаш учун зарур даврда ерлардан олинадиган йиллик даромад келишининг тўхташи билан боғлиқ бўлади. У шу даромад миқдорида бир марта қопланади. Бунда тикланиш даври узунлигига боғлиқ коэффициентдан фойдаланилади (1 йил - 0,9; 2 йил - 1,7; 3 йил - 2,5; 4 йил - 3,2; 5 йил - 3,8; 6-7 йил - 6 ва ш.ў.).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларига янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, уларни маданийлаштиришни ва бошқа маданийлаштириш-техник ишларни лойиҳалаштириш, бажариш даврида нобудгарчиликларни қоплаш учун зарур бўлган тўрт йил давр учун олиб қўйиладиган ер участкасида олинадиган соф фойда суммаси қўшимча равишда қўшилади.

Бир хил бонитет балли суғориладиган ерларда хўжалик фаолияти шароитида бир йил учун бир гектарга тўғри келадиган соф фойда суммаси охириги уч йилда хўжалик бўйича ўртача йиллик фойдани суғориладиган ер майдонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Ташкилотда бир неча бонитет балли суғориладиган ерлар мавжуд бўлганда, айнан бонитет балли 1 га суғориладиган ерга тўғри келадиган соф фойданинг ўртача суммаси аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари миқдорини аниқлашда олиб қўйиладиган ер участкасининг ердан самаралироқ фойдаланиш имконини берадиган муҳандислик коммуникациялари ва энергия манбалари мўллиги билан фарқланадиган маъмурий ва саноат марказларига нисбатан жойлашган жойи ҳисобга олинади. Ҳар йилги даромад ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми бўйича натурал кўрсаткичларда ва ерларни олиш вақтидаги ҳаракатдаги баҳоларда ҳисобланади.

Ер участкаларини олиб қўйиш, ҳақ тўлаб олиш ёки вақтинча эгаллаб туриш, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари чекланиши ёхуд қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашуви туфайли уларнинг кўрган зарарларини шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш учун мўлжалланган маблағлар уларга ер участкаси ажратиладиган тегишли юридик ва жисмоний шахслар томонидан зарар етказилган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб-китоб (жорий) ҳисоб рақамларига ўтказилади. Ечимлар бўйича ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдорини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар 16-жадвалда келтирилган.

## Ечимлар бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари кўрадиган зарар ҳисоби

| Контур<br>рақами | Ер тури ёки<br>қишлоқ<br>хўжалик<br>экини номи | Майдони,<br>га | Бонитет<br>балли | Хосил<br>дорлик,<br>ц/га | Ялпи<br>ҳосил,т | 1 тонна<br>ҳарид<br>нарҳи,<br>минг<br>сўм | Умумий<br>қиймати,<br>минг<br>сўм | Фойда,<br>минг сўм | 4 йил<br>давомида бой<br>берилган<br>фойда |
|------------------|------------------------------------------------|----------------|------------------|--------------------------|-----------------|-------------------------------------------|-----------------------------------|--------------------|--------------------------------------------|
| <b>1-ечим</b>    |                                                |                |                  |                          |                 |                                           |                                   |                    |                                            |
| 194қ<br>195қ     | Пахта<br>буғдой                                | 0.38<br>3.22   | 39<br>39         | 15.6<br>23.4             | 0.6<br>7.5      | 900<br>300                                | 540<br>2250                       | 162<br>675         | 648<br>2700                                |
| <b>Жами</b>      |                                                | <b>3.6</b>     |                  |                          |                 |                                           | <b>2790</b>                       | <b>837</b>         | <b>3348</b>                                |
| <b>2-ечим</b>    |                                                |                |                  |                          |                 |                                           |                                   |                    |                                            |
| 36қ              | Пахта                                          | <b>3.6</b>     | 45               | 18                       | 6.5             | 900                                       | <b>5850</b>                       | <b>1755</b>        | <b>7020</b>                                |

### 3.3. Лойиҳанинг асосий техник–иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

Ерларни олиш ва лойиҳаланаётган объектларни жойлаштириш билан боғлиқ салбий жараёнларни минималлаш ёки тугатиш учун зарур тадбирлар таркиби ва бу тадбирлар учун зарур харажатлар миқдори аниқланади.

17-жадвал

#### Лойиҳанинг асосий техник–иқтисодий кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар номи                                                                    | Ўлчов<br>бирлиги | Миқдори |        | Фарқи<br>+;- |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------|------------------|---------|--------|--------------|
|   |                                                                                      |                  | 1-ечим  | 2-ечим |              |
| 1 | Ажратилаётган майдон,<br>жами                                                        | га               | 3.6     | 3.6    | -            |
| 2 | Қишлоқ хўжалик ер<br>турлари майдони, жами<br>Ш.ж.; хайдалма ер                      | га               | 3.6     | 3.6    | -            |
| 3 | Ер ажратиш натижасида<br>қишлоқ хўжалик ишлаб<br>чиқариши кўрадиган<br>зарар миқдори | минг сўм         | -       | -      | -            |
| 4 | Ер ажратиш натижасида<br>қишлоқ хўжалик<br>корхонаси кўрадиган<br>зарар миқдори      | минг сўм         | 2790    | 5850   | 3060         |
| 5 | 4 йил давомида бой<br>берилган фойда                                                 | минг сўм         | 3348    | 7020   | 3672         |

17-жадвал маълумотларига кўра ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик корхоналари кўрадиган зарар миқдори 1-ечим буйича 2-ечимга нисбатан 3060 минг сўмга кам экан, шу сабабли лойиҳа асоси сифатида 1-ечимни қабул қиламиз.

### **3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш**

Лойиҳанинг экологик самарадорлиги асосий ҳисобланади. Унга бўлган талаб лойиҳанинг ҳар бир элементи ва ҳар бир таркибий қисмига қўйиладиган қаттиц экологик, табиатни муҳофазалаш меъёрларини бажариш заруратида тнамаён бўлади. Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳасининг ҳеч бир ечими, агар у бу меъёрларга мос келмаса кўриб чиқилиши мумкин эмас. Хўжаликда ички ер тузиш лойиҳаси экологик самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари жумласига куйидагилар киради:

ҳар бир ер участкаси бўйича олинадиган ерларнинг сифати аҳволига ер тузишнинг таъсирини комплекс баҳолаш маълумотлари (гумус баланси; макро ва микро элементлар, радионуклидлар, қолдиқ пестицидларнинг ҳаракатчан шаклларининг миқдори; ерларнинг қишлоқ хўжалиги учун яроқлилиги бўйича тоифалари, маҳсулдорлиги бўйича баҳолаш балли; кислоталашиши, намланиш режими; сизот сувлари сатҳи, сув сигими, маҳсулдор сув захираси; тупроқлари, рельефи ва бошқа шароитлари бўйича бир хиллиги);

тупроқларнинг сув эрозияси ва дефляция жараёнларининг пасайиши тўғрисида маълумотлар (тупроқларнинг ювилиши, эрозияга учраган ерларни ўтлоқлаштириш ва ўрмонлаштириш, экинларнинг эрозия хавфи коэффицентлари, тартибга солинган сув оқими ҳажми, микроиклим шароитларининг ўзгариши);

ерларнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган тузулиши тўғрисида маълумотлар (сув-ҳимоя минтақалари ва қирғоқбўйи полосаларининг, санитария ҳимоя минтақаларининг, ҳимояланадиган ландшафтларнинг, консервацияланиш босқичидаги ер участкаларининг, санитария ва зооветеринария оралиқларининг, ҳимоя, тақиқланган ва муҳофаза минтақаларининг мавжудлиги);

худуднинг экологик тузулишини тавсифловчи маълумотлар (миграция коридорлари, экологик бирликлар, микроқўриқхоналар, худуднинг экологик

хар хиллиги, экологик турғунлиги индекслари, «чекка самара» ҳисобга олинган агроладшафтларнинг маҳсулдорлиги, экотонлар узунлиги ва бошқ.).

Кутилган натижага эришиш учун хўжалик ер майдонининг ердан фойдаланишни ташкил қилиш талабларига жавоб беришини, ер майдонини ўзгартиритп зарурлигини кўрсатувчи далилларни, хўжалик ер майдонидаги камчиликлар келтираётган зарар миқдорини аниклаш керак. Лойиҳаланаётган ердан фойдаланиш чегараси ичида жойлашган ерлар сифати (жойлаштиришнинг ҳар бир ечимида) шу ҳудудда бор тупроқ ва бошқа изланишлар, ерларнинг сифат баҳоси материаллари бўйича аниқланади. Бу маълумотлардан ер участкасини жойлаштириш ечимларини солиштириш, зарур қишлоқ хўжалик зарарлари миқдорини ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Шу билан бир вақтда, қишлоқ хўжалик ерларини олиш, ноқишлоқ хўжалик объектларини жойлаштириш келтириб чиқарадиган экологик, ҳудудий, иқтисодий ва бошқа турдаги салбий оқибатлар ва унинг атрофдаги ҳудудга ва табиий муҳитга таъсири аниқланади. Уларга қуйидагилар киради:

мавжуд ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларнинг, қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликларининг ҳудудларини ички ташкил этишнинг бузилиши, транспорт алоқаларининг ёмонлашиши;

ташкил этилаётган ердан фойдаланишга туташ ерларнинг вақтинча ёки доимий ифлосланиши, бузилиши, сув босиши, сизот сувларининг кўтарилиши, ортиқча намланиши, қуриб қолиши, эрозиянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ сифатининг пасайиши;

сув манбааларининг, атмосферанинг ва ш.ў. ифлосланиши.

Булардан ташқари, аҳоли яшаш жойларига салбий таъсирлар пайдо бўлиши мумкин; айрим ҳолларда берилган участкада ёки унинг атрофидаги минтақада жойлашган бинолар ва иншоотларни бузиш ва кўчириш зарурати пайдо бўлади.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда қишлоқлар қиёфасини тубдан янгилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, зарур ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Аҳолининг юқори даражада турмуш кечириши учун зарур бўлган барча нарсалар қишлоқларда барпо этилаётган замонавий уй-жойларда бор. Айниқса, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уй-жойлар қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Уларни кўриб, кўз қувнайди.

Дарҳақиқат, бугун қишлоқларимиз қурилиш ва бунёдкорлик ишлари майдонига айланган. Давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори<sup>10</sup> бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида 32 массивда 675 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда ҳам қишлоқларимиз қиёфасини янада яхшилаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, у ерларда барча қулайликларга эга, замонавий ва мустаҳкам уй-жойлар барпо этиш борасида бошланган кенг миқёсли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини тубдан яхшилашга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хориж банкларининг кредит линиялари жалб этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Осиё тараққиёт банки ўртасида тузилган рамкали қарз битими ана шундай йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. Битимда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини молиялаштириш учун ОТБнинг умумий қиймати \$500 млн.лик узоқ муддатли кредит линиясини жалб этиш кўзда тутилган.

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган №1167 сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

Айни пайтда мазкур лойиха доирасида \$160 млн. маблағни ўзлаштириш ишлари фаол давом этмоқда.

Юртбошимизнинг «2009-2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Қарори<sup>11</sup> ва Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги<sup>12</sup> ҳамда «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги<sup>13</sup> Қарорлари бугун Намангандаги янгиланиш, қурилиш ва ободончилик, кўйингки, эзгу ишларнинг барча-барчасида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Битирув малакавий иши “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси мудирлари томонидан тасдиқланган топшириқ ва дастур асосида бажарилган бўлиб, унда мавжуд қишлоқ хўжалик корхонаси ҳудудида намунавий типдаги уй-жой қурилишлари учун ер танлаш ва ажратиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилган. Топшириқда белгиланган вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда қурилиш учун ер майдони ажратилаётган массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари, аҳоли яшаш жойлари тавсифи ўрганиб чиқилди. Сўнгра массивда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиги ҳудудидан янги уй-жой қуриш учун ер майдонларини танлаш ва ажратишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ўрганиб чиқилди. Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида икки ечимда ер майдонлари танланди ва асосланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майда қабул қилган 146-сонли қарори асосида ер ажратиш натижасида

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги №ПҚ-1170-сонли Қарори

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги<sup>12</sup> №232-сонли Қарори

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги №246-сонли Қарори

фермер хўжалиги кўрадиган зарар ва бой бериладиган фойда миқдори ҳисоблаб топилди.

Бажарилган ҳисоб-китобларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 87-моддасига<sup>14</sup> кўра якка тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкалари ажратилганда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг нобудгарчилиги қопланмаслигини ҳисобга олиб, 1-ечим бўйича ер майдонлари ажратилганда 2-ечимга нисбатан қишлоқ хўжалик корхонаси кўрадиган зарар 3060 минг сўмга ва 4 йил давомида бой бериладиган фойда эса 3672 минг сўмга кам эканлиги аниқланди. Шу сабабли лойиҳа асоси сифатида 1-ечимни қабул қиламиз.

---

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Ўзбекистон, 1998. 87-модда 3-банд 1-сўз боши

## Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами ( I ва II қисмлар ), Т.: Шарқ, 1998
3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т.: Ўзбекистон, 1998
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
5. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Фермер хўжалиги тўғрисида» Янги таҳрир. Т.: Ўзбекистон, 2004
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида ”ги 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1378 сонли Фармони
7. Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 йилдаги 455-сонли “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида”ги Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 1999 йил 20 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги №825-I Қонуни
9. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 2000 йил 31 августдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги №80-II ва “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги №120-II сонли Қонунлари
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №1167 Қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги №146-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг 2-иловаси

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги №1902-сонли “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича индивидуал уй-жой қурилиши бўйича дастур тўғрисида”ги қарори
13. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
14. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
15. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Ўзбекистон, 1998
16. И.А.Каримов, “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т. Ўзбекистон, 2008
17. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди, 2004
18. Аvezбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
19. Аvezбоев С., Волков С.Н. «Ер тузишнинг илмий асослари» Т. Янги аср авлоди, 2002
20. Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ, 2008
21. Бобожонов Р.Д. Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2005
22. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.: Меҳнат, 2000
23. Рустамбоев М.Ҳ. ва бошқ. Ер ҳуқуқи. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002
24. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Ўқув қўлланма. Т.: ТИМИ, 2007
25. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002

26. Кудратов О., Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
27. [www.prom.kz](http://www.prom.kz) (Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ)
28. [www.18.rosfirm.ru](http://www.18.rosfirm.ru) (Управления земельных ресурсов и землеустройства)
29. [www.kadastr.ru](http://www.kadastr.ru) (Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования)
30. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
31. [www.google.co.uz](http://www.google.co.uz) (Тезкор қидирув тармоғи)
32. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) (Ахборот таълим тармоғи)

# **И л о в а л а р**

**Контур вед.**